

Тошкент ислом университети

Ш.Тўхтиев

Ислом манбашунослиги

Фанидан

маърузалар матни

Манбашунослик фанининг предмети, асосий вазифалари, тармоқлари. Ислом манбашунослиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Режа

1. Манбашунослик фани ҳақида маълумот
2. Манбашунослик фанининг тармоқлари
3. Манбашунослик фани ривожланиш йўллари
4. Ислом манбашунослигининг ўзига хос хусусиятлари

Кўлёзма фондларида сақланаётган минг — минглаб китоблардан соҳа мутахассислари орасида барқарорлашган, илмий йулга куйилган, махсус ишлаб чиқилган катъий тартиб коидаларсиз фойдаланиш нихоятда оғир булган булур эди. Сон —саноксиз китоблар орасидан зарур булган бирор асарни топиш ёки бу хазиналарда нималар борлигидан вокиф булишни манбапуносларнинг маша^акатли меҳнатисиз тасаввур килиб булмайди. Билимнинг бу соҳаси *манбашунослик* деб аталади.

Манбашунослик ёзма манбаларни йиғиш, кидириб топиш, тартибга солиш ва улардан илмий фойдаланиш йулларини ургатувчи фандир.

Манбашунослик фанлар соҳаси буйича куйидаги тармоқларга булинади:

—*Фольклор манбашунослиги*

—*Адабий манбашунослик*

—*Тарихий манбашунослик*

—*Илмий манбашунослик*

Умуман олганда, манбашунослик илмда тарих фанининг бир соҳаси сифатида қабул килинган.

Собик. шуролар даврида купгина фанлар катори манбашуносликка ҳам фаннинг Октябрь инкилобигача тараккий этмаган бир соҳаси деб караш хукмрон эди. Бирок хар бир даврни уз мезонлари билан олиб карасак, манбашунослик маданиятимиз тарихида узининг чу^аур илдизларга эга эканлигига амин буламиз. У узининг муайян мезон ва меъёрлари билан ривожланиб тараккий этиб келган. Турри, XX асргача манбашуносликка фаннинг алоҳида тармоги сифатида караш дунё микёсида йук эди. Аммо бу соҳадаги амалий ишлар тинимсиз олиб борилгани ва ривожланишда булгани кузатилади.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Марказий Осиё халклари орасида китоб йиғиш, уларни маълум соҳалар буйича туркумлаш, китоб хазиналарини тарихнинг суронли воқеаларидан омон сақлаб колиш ишларига кадимдан катта эътибор бериб келишган. Бу ишда албатта, йирик маданий марказлардаги китоб хазиналари, йирик олим ва ижодкорлар жонбозлик курсатишган.

Тарихий ёдгорликлар жуда кадим замонлардан подшоҳлар ва кохинларнинг хазиналарида диний, тарихий

ва адабий мазмундаги кулѐзмалар тупланганлигини ва сакланганлигини аниклашга имкон беради. ^улдорлик давлатлари мавжуд булган даврда бу хазиналарда кулѐзмалар мажмуалари, маданий бойликлар сакланадиган махсус омборхоналар вужудга келиши учун шарт —шароит вужудга кела бошлайди.

Бирок Марказий Осиё халкларининг энг кадимги ѐзма ѐдгорликлари деярли сакланиб қолмаган. Улардан куплари араблар босиб олган даврда VII —XI асрларда нобуд булган. Сутд ва Хоразмнинг араб халифалиги томонидан куйилган нойиби китобларни ва уларни сакловчиларни йук қилиб ташлаганлиги х.акида биринчи булиб Беруний (927—1046 йиллар) маълумот беради. Наршахий «Бухоро тарихи» (943 — 944 м.) асарида: «Кутайба... кофирлик ва оташпарастилик асарларини йук қилди»,~деб ѐзади. Араб халифалигининг чекка улкаларидан бирига айланиб қолган Марказий Осиёда ѐзма миллий маданиятнинг қайтадан вужудга келиши учун анчагина вақт керак булди.

Азма манбаларда, жумладан, Ибн Сино таржимаи х.олида ѐзишича, Бухорода — сомонийлар саройида қаттагина китоб хазинаси мавжуд булиб, у ерда сакланадиган китобларга X асрда махсус *фе^рист* (руйхат) тузилган. Бу ҳозирги даврда кулѐзмалар фонди *каталог*и билан баробардир.

Азма манбаларни йиғиш ва тартибга солишдан ташқари, уларни қидириб топиш х.ам манбашуносликнинг зиммасидаги асосий вазифалардан биридир.

Бу жихатдан «Ал—осор ул—боқия анал қарн ул— холия» деган китобини ѐзиш учун Абу Рай^он Берунийнинг Марказий Осиё ҳудудида исломгача булган манбалардаги маълумотларни бир ерга туплаши — улқамизда ислом маданияти юзага келиши даврида утмиш манбаларининг борини йиғиб — териб, кейинги авлодларни уларнинг *мазмуни* билан таништириши ни^оятда му^имдир. Беруний бу асарини яратишда, аввало, бу манбаларни бир ерга йиғган, яъни уларнинг матнини қайта тиклашни уз олдига мақсад қилиб қуймаган булса ҳам, манбашунослик фаолияти муаллиф ижоди жараёнида дастлабки босқич булиб хизмат қилган. Қуриб турганимиздек, бу фан уз ривожининг дастлабки босқичларидаёқ *назарий* йуналишдан қура *амалиётга* яқинроқ қолди шаклланган.

Манбаларни қидириб топиш ишида *тазқира*, *маноқиб*, *қолот*, *қасби қол* каби асарлар ниҳоятда муҳим урин тутди.

Адабий манбашуносликка бевосита дахлдор китоб турларидан бири *тазкиралар*ддр. Якин ва Урта Шарк адабиётшунослигида тазкиранависликни *С а о л и б и й* (вафот.1037) бошлаб берган. Унинг *араб* тилида ёзган «Ятимат уд —дахр» тазкираси ислом мамлакатларида катта шухрат тутди. Бу хилдаги асарнинг илк *форсий* намунасини бухоролик шоир ва адабиётшунос Мухаммад А в ф и йнинг «Лубоб ал —албоб» тазкираси мисолида курамиз. 1222 йилда ёзилган бу тазкира мурул истелосидан аввалги адабиёт ва маданият арбоблари хакида маълумотлар беради ва бу давр манбашунослиги учун ягона манба хисобланади. Ундан кейин Шайх Ахмад Т а р о з и йнинг дастлабки туркий тазкираси — «Фунуни балога» (XIV аср) юзага келди.

Кейинчалик Абдурахмон Жомий, Давлатшоҳ Самаркандий, Алишер Навоий, Нисойй, Лутф Алибек кабилар ҳам тазкиралар ёзишган. Тазкиралар адабий манба сифатида кадимдан кадрланиб келган. Тазкиранинг манбашунослик учун ахамияти шундан иборатки, улардаги ҳар бир мақола — «фикра»да алоҳида бир арбоб (шоир, адиб, мутафаккир ва х.к.)нинг исми, таҳаллуси, каерлик экани, ижоди соҳаси, муҳим асарлари, табиати, муаллифнинг узига муносабати, ижодидан бир шингил, арбоб умрининг ниҳояси, дафн этилган жойи ва ^.к.лар бериладик, улар урта аср китобдорларига уз ҳазиналарини нималар билан тулдиришлари мумкинлиги хакида кимматли маълумотлар берган. Бунинг устига, мумтоз адабиёт намояндаларининг ижодий таржимаи холини тиклашда тадқи^отчилар у хакида маълумотни биринчи навбатда тазкиралардан кидирадилар. Тазкиранависликнинг манбашуносликдаги урнини белгилашда бу турдаги китоблар хакида олиб борилган тадқиқотларнинг хизматлари катта (к.: Маллаев Н. Узбек адабиёти тарихи, 289 — 6.).

Маноқиб, ҳолот, ҳасби ҳол каби асарларда машҳур кишиларнинг ҳаёт йули билан таништириш асосида улар ёзган асарлар хакидаги маълумотлар ҳам келтирилади. Бундай асарлар одатда бу шахсларни таниган ёки уларга маслақдош булган кишилар томонидан ёзилгани учун улар келтирган маълумотлар юқори баҳоланади. Маънавий меросимиз орасида бу руҳдаги асарлар куп учрамайди. Чунончи, Алишер Навоийнинг «Холоти Саййид Хасан Ардашер», «Холоти Пахлавон Мухаммад», «Хамсат ул — мутахаййирин»; Хондамирнинг «Макорим ул — ахлоқ»; Муаллифи номаълум «Манокиби Машраб», «Манокиб ул —

орифин», «Манокиб уш — шуаро» (КВР, АН ТаджССР, IV т.); Али Мухаммад Мухлиснинг «[^]олнома» асарлари шулар жумласидандир.

Адабий манбашунослик учун муҳим *тасддиловчи* маълумотлар бера олиши мумкин булган китоб турларидан яна бири баёзлардир. Баёзлар унлаб шоирларнинг шеърларини уз ичига олиши, уларнинг номлари ва шеърларидан намуналар берилиши билан манбашунослик фанида муҳим урин тутади. Бу китобларнинг дастлабки намуналари араб мумтоз адабиётида IX асрга мансуб (биринчи баёзни шоир Абу Таммом тузган). Марказий Осиёда ҳозирча 1442 йидда тузилган баёз энг қадимий ҳисобланади. Унда 22 та Эрон, Хинд ва Марказий осийлик шоирларнинг шеърлари берилган.

Бу турдаги китоблар қаторига «мажмуа», «қачқул», «гулчин» деб аталган китобларни ҳам қушиш мумкин. Бу ҳилдаги китоблар юзасидан таникли олимлар Ё.Исҳоков ва М.Ҳамидовалар тадқиқот олиб боришган.

Адабий манбашуносликнинг айниқса, адабиёт тарихи ва матншунослик учун аҳамияти бекиёсдир. Манбашунослик соҳаси утмиш адабиёт намуналарини нашрга тайёрлаб, чоп этишда матншунослик ишлари учун материал етказиб беради, Бунинг учун мазкур материалларни уз ичига олган манбаларни тасфиф, тартибга солиш, уларнинг атрофлича тавсифларни яратиш лозим.

Асарларнинг матнлари билан бир қаторда, улар ҳақидаги фикрлар қайд этилган китоблар ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бу манбаларга суяниб тил тарихи, адабиёт тарихи ҳамда адабиёт назариясига оид тадқиқотлар олиб борилади, ҳулосалар чиқарилади. Натижада маълум тарихий давр учун адабиётнинг тил ва услуб хусусиятлари, жанрлар тараккиёти, ҳаётни бадиий акс эттириш мезонлари очила боради. Манбашунослик фани икки — назарий ва амалий йуналишларда ривожланади. Шунга қараб унинг асосий вазифаси белгиланади.

Назарий манбашунослик:

ёзма манбаларни вужудга қелиши ва уларда реал тарихий жараённинг акс эттирилиши қонуниятларни аниқлайди,

- фан сифатида *мавзулар таркибини*,
- бу мавзуларнинг *жойлашиши уринларини* белгилайди,
- манбаларни тартибга солиш ва туркумларга бўлиш *асослариш* ишлаб читали,
- манбаларни тадқиқ қилиш *услубини* урганади.

Илмнинг бу соҳасини акс эттирувчи укув қулланмалари ёки дарслик мавжуд эмас. Бу ҳақдаги маълумотлар олимларнинг қупсонли тадқиқотлари орасида тарқок ҳолда учрайди. Бу соҳани тадқиқ этувчи айрим мақолалар рус манбашуносларининг ҳаракати билан юзага келган ва совет манбашунослигида қабул қилинган меъёр ва мезонларнигина акс эттиради. Олимларимизнинг сунги пайтлардаги хорижий мамлакатларга

килган илмий сафарлари давомида бу меъёр ва мезонларнинг дунё микёсида бизникидан бирмунча фарк килиши маълум булди. Бу фарк манбашуносларимизнинг кейинги пайтдаги ишларидан урин олиб бормокда.

Амалий манбашунослик кулёзмалар фонди, архив, музей, кутубхоналарда ёдгорликларни:

- туплаш,
- сақлаш,
- тавсифлаш,
- кейинги илмий тадқиқот ишлари учун уларни материал сифатида тайёрлаш билан шуғулланади.

Бунда у манбаларнинг алохида олинган

- соҳаси,
 - бўлими,
 - даври
- юзасидан иш олиб бориши мумкин.

Манбашунослик фани уз ривожининг дастлабки боскичлариданок назарий йуналишдан кура *амалиётга* якинрок холда ривожланган. Манбашуносликнинг амалий соҳасини ҳам яхлит караб олувчи китоб ёки дарслик йуқ. Бирок бу соҳада, амалда жуда куп ишлар килинган.

Чунончи, илгари саройлар ва мадрасаларда сақланиб келган қўлёзмалар кейинчалик, аста — секин кутубхоналарда туплана бошлади. Айни вақтда кулёзмаларни хилларга ажратиш усулларини ишлаб чиқишга эҳтиёж тугилди. Бу ишлар IX — X асрларга келиб анча юкори даражага кутарилди.

Бухорода сарой китоб хазиналаридан таш^ари бир канча мадрасаларда ҳам кутубхоналар булган. Чунончи, Бухородаги Форжак мадрасаси тутрисида 937 йилги ёнгин туфайли маълумотлар сақланиб колган.¹ Бу маълумотларда мадрасанинг каттагина кутубхонаси булиб, унда жуда куп кимматбахо кулёзмалар сақлангани маълум килинади.

XI — XII асрлар амалий манбашунослик соҳасида руй берган муҳим воқеалардан бири давлат архивлари ва куплаб кутубхоналарнинг барпо этилиши булди. Бу даврдаги кутубхоналар хакида муфассал маълумотлар сақланиб кчзлган. Разнавийлар даврида Хоразм, Рэй, Хамадон, Исфахон сингари йирик шаҳарларининг кутубхоналари Хуросондаги барча истеъдодлива укимишли кишиларни узига тортувчи марказлар булиб колган эди деб ёзган эди ак. Семёнов (Очерки исторической науки в СССР вып. I, М., 1955 135-6.).

Бу даврда Бухоро амири саройидаги кутубхона айникса машхур эди. Буюк олим Ибн Сино усмирлик

чорида ана шу кутубхонада ишлаганини уз таржимаи холида эслаб утган.

Хикоя килишларича, Бухоро амири Нух ибн Мансур оғир бир дардга дучор булади. Табобат илмида эндига шуҳрат козонаётган ёш (14 ёшли) Ибн Сино уни бу дарддан халос қилади. Бир улимдан қолган амир Ибн Синони тақдирламоқчи булади.. . Табиб амирликнинг турли —туман китобларга бой кутубхонасидан фойдаланишга рухсат сурайди.

«Мен қирган уйнинг хоналаридан бирида, — деб ёзади Ибн Сино, — арабча шеърӣ китоблар, иккинчисида фикх илмига оид китоблар бор эди... Эски муаллифлар ёзган китоблар *руйхатини* (таъкид бизники— А.,Х.) қуздан кечириб, керакли китобни сурадим. Мен шундай китобларни қурдимки, қупчилик кишилар хатто уларнинг сарлавҳасини ҳам эшитмаган. Уша пайтгача ҳам, ушандан кейин ҳам ҳеч қачон мен бунчалик қуп китобни қурмаган эдим. Бу китобларни уқиб чиқиб, зур манфаат топдим»².

Бу лавҳадаги китоб ҳазинасида китобларнинг соҳасига қура алоҳида хоналарда сақланиши, уларга руйхат тузиб қуйилганлиги уша давр амалий манбашунослигини қурсатувчи далилдир. Барча йирик китоб ҳазиналари бундай тартибга эҳтиёж сезганлар.

Темурийлар даврида бу ишларга эътибор янада ошди. Қутубхоначилик тарихи учун бу даврдан жуда қуп маълумотлар сақланиб қолган.

Шундай қилиб, бутун тарихий давр давомида барча йирик китоб ҳазиналари китоб йиғиш, хиллаш ва сақлашнинг маълум тартиб ва қоидаларини ишлаб чиқиб, унга риоя қилган ҳолда фаолият қурсатишган.

Шу куннинг амалий манбашунослигига келсак, у асосан қуйидаги икки йуналишдаги ишларни амалга оширади:

а) бирламчи (муаллиф замонидаги ёки унга яқин даврларда яратилган) манбаларни топиб, манбапунослик изланишлари учун материал етказиб беради,

б) бирламчи манбаларни топиб, матншунослик ишлари (нашрга тайёрлаб, чоп этиш) учун материал етказиб беради.

Ҳозирги пайтда бу соҳа замонавий қопмьютер техникасидан фойдаланган ҳолда жадал суръатлар билан ривожланиб бормокда.

Таянч сўзлар: фольклор манбашунослиги, адабий манбашунослик, илмӣ манбашунослик, фирқа, мақола, қаталог, фехрист, қаталог, бирламчи манбалар, тазқира.

Саволлар:

1. Манбашунослик фанининг вазифаси нималардан иборат?

2. Қадимги манбалар ҳақидаги маълумотларни қандай китоблардан топиш мумкин бўлган?
3. Манбашунослик қандай тармоқларга бўлиб урганилади?
4. Қадим кулётма фондлари қаерларда сақланган?

Жоҳилия даври ислом манбашунослиги. Абул-Фараж ал-Исфохонийнинг «Китобу-л-ағоний» асари.

РЕЖА

1. Абул фараж Исфохонийнинг ҳаёти
2. “Китаб ал-Ағоний” асари
3. Асар жоҳилият даври бўйича нодир манба

Жоҳилия даврида арабларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маиший ҳаёти ҳақида батафсил маълумот олиш учун манбаларига мурожаат қилинади. Бу даврни ёритишда жоҳилия даври шеърляти алоҳида аҳамият касб этади. Жоҳилия даври шеърляти бўйича асосий манба Абул Фараж Исфохонийнинг “Китабул ағоний” асари ҳисобланади.

У киши Абул Фараж Исфохоний номи билан машҳур бўлиб, тўлиқ исмлари Абул Фараж Али ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳайсам ибн Абдул —Раҳмон ибн Марвон ибн Абдуллоҳ ибн Марвон ибн Муҳаммад ибн Марвон ибн Ҳакам ибн Абул Ос ибн Умаййа ибн Абдуш — Шамс ибн Абду Манноф ал—Қурайший ал—Амавийдир. Мана шундан кўриниб турибдики, у кишининг насаблари Бани Умаййа қабиласи (умавийлар)нинг охири халифаси Марвон ибн Муҳаммад (Марвон II) га бориб тақалади.

Абул Фараж милодий 897 йил Исфохонда Абул—Аббос Аҳмад ибн ал—Муваффақнинг халифалик даврида туғилганлар. У киши туғилган йилда буюк шоир Бахтарий вафот этган эди. Абул Фараж Бағдодда ўсиб улғайганлар ва у ерни ўзларига ватан тутганлар. 967 йил 21 декабрда Бағдодда вафот этганлар. Манбаларда келишича, у киши шиъа мазҳабида бўлганлар. Уйлари Дажли дарёсининг бўйида, Абул Фатх ал —Баридийнинг уйлари билан ёнма — ён бўлган.

Буюк араб ёзувчиси Абул Фараж Исфохоний араб адабиёти, шеърляти ва тарихи бўйича етук олим бўлганлар. Ҳадис, грамматика, луғат илми, табобат, астрономия билан шугулланганлар. У киши ёзган машҳур асарлари 20 жилддан иборат «Ағоний —ул — кабир» («Қўшиқлар катта китоби») деб номланади. Унда араб шеърляти ҳақида муфассил маълумотлар берилади. Бундан ташқари у кишининг «Мақотилут — толибийн», «Насаби Абдуш —Шамс», «Насаби бани Шайбон», «Насаби олил мулаххаб», «Айёмул араб» номли асарлари ҳам мавжуд.

Муҳаммад ибн Исҳоқ ан —Надимнинг айтишича, у киши адабиёт соҳасида мисли денгиз бўлган. Абул Фараж

Исфакхоний ҳадис соҳасига ҳам ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Мухаммад ибн Жаъфар, Али ибн Аббос ал —Бажалий, Абул Ҳусайн ибн Абул Ахвас, Абу Бакр ибн Дурайд каби кишилардан ҳадис эшитганлар. Шу билан бирга у кишидан Дору Қутний, Иброҳим ибн Ахмад ат —Табарий, Абул Фатх ибн Абул Фаворис, Али ибн Ахмад ибн Довуд ар —Разоз ва бошқа кўп муҳаддислар ривоят қилган.

Абул Фараж Исфакхоний арабларнинг тарихи ва насабларини жуда яхши ўрганган ва бу ҳақда 5 жилддан иборат «Айёмул араб» («Араб кунлари») номли асарини ёзган. Шеърят бобида ўз замонасининг энг етук шоирларидан ҳисобланган. Абу Али ат —Танухий шундай дейди: «Шеър, шоирлари, муғаннийлари, яъни бастакорларига тегишли бўлган хабарларга қўшимча равишда шеърнинг ёзилиши, қуйланиш сабаблари ва ўша шеърга тегишли бўлган бошқа маълумотлар устида ҳам алоҳида тўхталиб ўтганлар.

«АҒОНИЙ —ул — кабир» асари 20 жилддан иборат бўлиб, асарнинг ҳар бир фаслида ўзига хос ривоятлар келтирилган. Унда келтирилган, арабларнинг машҳур кунларини эслатиб турадиган қисқа —қисқа ҳикоячалар ўқувчига роҳат бағишламай қолмайди.

Бу асарда кишини одоб — ахлоққа чақирувчи ва жоҳилия даври подшоҳлари, ислом давридаги халифалар ҳақида чиройли — чиройли қиссалар жуда кўп учрайди.

Муаллиф бу асарни Ҳорун ар —Рашидга бағишланган юзта мусиқий байт билан бошлаганлар. Асардаги қўшиқларнинг ҳаммаси Исҳоқ ибн ал — Мувсимийнинг услубига кўра келтирилган, чунки бугунги кунда бу услуб маъқул деб топилган ва тан олинган. Иброҳим ибн Махдий, Мухорик, Улувийя, Умар ибн Бона ва Мухаммад ибн Ҳорисларнинг услублари оғир ва ноаниқ бўлганлиги учун тан олинмаган ва бу асарга киритилмаган.

Абул—Фараж Исфакхоний байтларни жойлаштириш вақтида баъзан ўша байтларга яқин маънодаги шеърларни ҳам қўшиб келтирганлар, чунки вазият шуни талаб қилган.

Бу асарда келтирилган бастакорлар замон ёки мартабаларини эътиборга олиб тартибланмаган. Китобнинг аввалида учта машҳуртанланган байтлар келтирилган. Бу байтларнинг муаллифлари кейинги давр шоирларидир. Ундан кейинги байтлар муаллифлари эса аввалги даврда яшаб ўтганлар. Уларни тартиблаш имконияти бўлмаган чунки, асарни ёзилишидан мақсад шоирлар табақасини тартиблаш эмас, балки қўшиқларни ўзига тегишли маълумотлари билан келтириб тартиблаш бўлган. Абул—Фараж Исфакхоний айтадиларки «Агар асар бундай тартибланмаса жуда кўп бефойда лағв нарсалар пайдо бўлиб қолиши мумкин. Бу эса асарни ноқисликка олиб келади. Бундай ҳолатда ўқувчиларнинг унга бўлган қизиқиши сўнади. Чунки инсон табиати кўчманчидир. Албатта, одатий нарсадан янги нарсага кўчиш жуда осон кечади. Инсон қалби мавжуд нарсалардан кўра кашфиётларга мойилроқ бўлади».

Шундай экан ўйлаймизки, бу тартибда ёзилган асардан ўқувчилар янгидан —янги маълумотларни оладилар ва асарни катта қизиқиш билан ўқийдилар, хабар, қўшиқ, муснадотлар ва насабларни ёд олиш борасида Абул Фараж Исфахонийдан ўтадиган ҳофизни кўрмаганман».

Абул Фараж: Исфахонийнинг энг машҳур асари «Ағоний — ул — кабир» асаридир. Бу асарнинг ёзилган санаси номаълум. «Ағоний — ул—кабир» асари 1285 йилда Мисрда нашр қилинган. Муаллифнинг ушбу асари Европада жуда машҳур бўлган. Кейинчалик ушбу асар 1955 ва 1957 йилларда Байрутдаги «Дорус — сакофа» нашриётида қайта —қайта нашр қилинган. Шундай бўлишига қарамасдан, асарнинг ўқувчилари кўп бўлганлиги сабабли нусхалари ноёб бўлиб қолаверган. «Ағоний — ул—кабир» жуда катта ҳажмдаги китобдир. Бундан ташқари бу асар ўхшашликда тенги йўқ ўринда туради. Улуғ олимлар «Ағоний —ул—кабир» китобини барча соҳалардаги фазилатини тан олганлар ва бу асарга катта эътибор билан юзланганлар. Абдул—Воҳид ал— Марокаший ўзининг «Ал—муъжиб фи талхиси ахборил — мағриб» асарида «АРОНИЙ —ул—кабир» асари ҳақида жуда эътиборга молик хабарни келтирган. Андалусия (Испания) мумтоз адабиётининг хожаси ҳисобланган Абу Мухаммад Абдул—Мажид Абдун бу асарни тўлиқ ёддан билган. Араб адабиётининг мумтоз чўққиларидан бўлган Соҳиб ибн Уббод ҳамиша ўз китоблари хазинасида «Ағоний —ул—кабир» китобини сақлагйн. Унинг кутубхонасида 17 мингдан ортиқ китоб бўлгани ҳолда, бу китоблар орасида у кишига энг сеvimли бўлган китоб «Ағний —ул—кабир» асари бўлган. Ривоят қилишларича, Абул—Фараж Исфахонийга ушбу ёзган китоблари учун Сайф — уд — Давлат минг танга мукофот берган. Бунини эшитган Ибн Уббод «Сайф —уд—Давлат бахиллик қилибди, бу китоб аслида бир неча баробар зиёда мукофотга арзийди» —, деб бу китобнинг қанчалик қимматли эканлигини айтиб ўтган.

Абул — Фараж Исфахоний бу асарларида ўзларига маълум бўлган қадимги ва кейинчалик яратилган араб қўшиқларини жамлаганлар. Бундан ташқари қар бир қўшиқнинг шоирлари, бастакорлари ҳақида тўлиқ маълумотларни келтириб ўтганлар. Жоиз бўлганда баъзи шеърларни қисқартирганлар ва баъзиларини эса шарҳлашга ҳаракат қилганлар.

Мусанниф бу асарга дуч келган қадимий куйларни киритавермаганлар чунки ушбу китобдан олдин ҳам арабларнинг барча қадимий қўшиқларни ўз ичига олган асарлар ёзилган эди. лекин ўша китобларнинг бирортасида ҳам араб қўшиқлари ҳақида тўлиқ маълумот берилмаган эди. Абул-Фараж Исфахоний ушбу асарларида аввалги ёзилган китоблардан фарқли ўлароқ, келтирилган шеърларнинг шоирлари. Муғайннийлари, яъни бастакорларига тегишли бўлган хабарларга қўшимча равишда шеърнинг ёзилиши куйланиш сабаблари ва ўша шеърга тегишли бўлган бошқа маълумотлар устида ҳам алоҳида тўхталиб ўтганлар.

“Ағоний-ул-кабир” асари 20 жилддан иборат бўлиб, асарнинг ҳар био фаслида ўзига хос ривоятлар келтирилган. Унда келтирилган, арабларнинг машҳур кунларини эслатиб турадиган қисқа-қисқа ҳикоячалар ўқувчига роҳат бағишламай қолмайди.

Бу асарда кишини одоб-ахлоққа чақирувчи ва жоҳилия даври подшоҳлари, ислом давридаги халифалар ҳақида чиройли-чиойли қиссалар жуда кўп учрайди.

Муаллиф бу асарни Ҳорун ар-Рашидга бағишланган юзта мусиқий байт билан бошлаганлар. Асардаги қўшиқларнинг ҳаммаси Исҳоқ ибн ал-Мувсмейнинг услубига кўра келтирилган, чунки бугунги кунда бу услуб маъқул деб топилган ва тан олинган. Иброҳим ибн Маҳдий, Мухориқ, Улувийя, умар ибн Бона ва Муҳаммад ибн Ҳорисларнинг услублари оғир ва ноаниқ бўлганлиги учун тан олинмаган ва бу асарга киритилмаган.

Абул-Фараж Исфаҳоний байтларни жойлаштириш вақтида баъзан ўша байтларга яқин маънодаги шеърларни ҳам қўшиб келтирганлар, чунки вазият шуни талаб қилган.

Бу асарда келтирилган бастакорлар замон ёки мартабаларини эътиборга олиб тартибланмаган. Китобнинг аввалида учта машҳур танланган байтлар келтирилган. Бу байтларнинг муаллифлари эса аввалги даврда яшаб ўтганлар. Уларни тартиблаш имконияти бўлмаган чунки, асарни ёзилишидан мақсад шоирлар табақасини тартиблаш эмас, балки қўшиқларни ўзига тегишли маълумотлари билан келтириб тартиблаш бўлган. Абул-Фараж Исфаҳоний айтадиларки; “Агар асар бундай тартибланмаса жуда кўп бефойда лағв нарсалар пайдо бўлиб қолиши мумкин. Бу эса асарни ноқисликка олиб келади. Бундай ҳолатда ўқувчиларнинг унга бўлган қизиқиши сўнади. Чунки инсон табиати кўчманчидир. Албатта, одатий нарсадан янги нарсага кўчиш жуда осон кечади. Инсон қалби мавжуд нарсалардан кўра кашфиётларга мойилроқ бўлади”. Шундай экан ўйлаймизки, бу тартибда ёзилган асардан ўқувчилар янгидан-янги маълумотларни оладилар ва асарни катта қизиқиш билан ўқийдилар.

Таянч сўзлар

Жоҳилият даври, араблар, қурайш қабиласи, шеър ва шоирлар, “Китаб ал-ағоний”, манба, манбашунослик.

Саволлар

1. Жоҳилия даври ҳақида нималар биласиз?
2. Жоҳилия даври ҳақида маълумот берувчи манбаларни айтинг.
3. Абул Фараж Исфаҳоний қандай асарлар ёзган?
4. “Китабул-ағоний” қандай асар?

Қуръони Карим-ислом манбашунослигининг асосий манбаи.

Қуръоннинг қўлёзма ва босма нусхалари.

Режа

1. Қуръони карим ислом манбашунослигининг асосий манбаи
2. Қуръон манбашунослиги тарихи
3. Қуръоннинг мусхаф ҳолида жамланиши
4. Қуръоннинг қўлёзма нусхалари
5. Қуръоннинг босма нашрлари

Ислом динининг муқадас китоби Қуръони каримнинг нозил бўлиши инсоният тарихида юз берган улуғ мўъжизадир. Қуръони Карим – Аллоҳ таоло тарафидан 23 мобайнида Пайғамбар Муҳаммад а.с.га Жаброил а.с. воситасида илоҳий ваҳий сифатида араб тилида оят-оят, сура-сура тарзида нозил қилинган илоҳий китобдир. Бу китоб Ислом динининг муқаддас манбаси ҳисобланади. Аҳли сунна ва-л-жамоа таълимотига кўра, Қуръон Аллоҳ таолонинг сўзи ва унинг азалий илмидир.

«Қуръон» - арабча «қара'а» (ўқимоқ) феълидан олинган. Қуръон суралардан иборат. Сура қуръондан бир бўлак бўлиб, энг ками учта ёки ундан ортиқ оятларни ўз ичига олади. Қуръонда жами 114 та сура мавжуд. Оятлар сони эса, Қуръон мантларини тақсимлашнинг турли йўлларига кўра, 6204 та, 6232 та, ҳатто 6666 тагача белгиланган. Бу ҳар хиллик Қуръон нусхаларининг бир-биридан фарқли эканлигини эмас, балки ундаги оятларнинг турлича тақсимланганлигини билдиради.

Қуръон илоҳий китобларнинг сўнггиси ҳисобланади. Ундан аввал инсониятга Таврот, Забур, Инжил ҳамда 100та саҳифа нозил қилинган. Одам а.с.га 10 саҳифа, Шис а.с.га 50 та, Идрис а.с.га 30 та, Иброҳим а.с.га 10та саҳифа нозил қилинган.

Қуръоннинг ўзида Қуръоннинг бир неча номлари келтирилади. Улар қуйидагилар:

1. Қуръон.

Исро сурасининг 9-оятида:

إِنَّ هَذَا الْقُرْآنَ يَهْدِي لِلَّتِي هِيَ أَقْوَمُ

"Албатта, бу Қуръон энг тўғри йўлга хидоят этур"

2. Китоб.

Анбиё сурасининг 10-оятида:

لَقَدْ أَنْزَلْنَا إِلَيْكُمْ كِتَابًا فِيهِ ذِكْرُكُمْ

"Дарҳақиқат, сизларга китоб (Қуръон) нозил қилдик. Унда сизларнинг зикрингиз бордир."

3. Фурқон.

Фурқон сурасининг 1-оятида:

تَبَارَكَ الَّذِي نَزَّلَ الْفُرْقَانَ عَلَى عَبْدِهِ لِيَكُونَ لِلْعَالَمِينَ نَذِيرًا

"Оламларни огоҳлантирувчи бўлиши учун ўз бандасига Фурқонни нозил қилган зот баракотлидир (буюкдир)."

4. Зикр.

Ҳижр сурасининг 9-оятида:

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ

"Албатта, бу зикрни (яъни Қуръон) Биз ўзимиз нозил қилдик ва уни ўзимиз асрагувчимиз."

5. Танзил.

Шуаро сурасининг 192-оятида:

وإنه لتنزِيل ربِّ العالمين

"Албатта, (бу Қуръон) оламлар Парвардигорининг нозил қилган китобидир."

Бундан ташқари Қуръонда унинг бир қанча сифатлари ҳам келтирилган. Масалан: Нур, Ҳуда, Бушра, Азиз, Мажид, Мубин каби.

Маълумки, Қуръони Карим Пайғамбаримизга 23 йил давомида тарқоқ ҳолда нозил бўлган. Баъзан бир, баъзида икки-уч оят тушар эди. Баъзида бир тушишида ўнта оятгача ҳам тушган вақтлари бўлган. Оятлар суралардаги тартиби бўйича эмас, балки ўзига хос даврларда, муайян бир вақтда маълум бир суранинг маълум бир оятлари, яна бошқа бир маълум пайтда бошқа бир суранинг маълум бир оятлари нозил бўлганди.

Бунинг сабабларини қуръоншунослар қуйидагича изоҳлайдилар: биринчидан, Қуръони Каримнинг бу тариқа нозил бўлиши даъватнинг ривожланиш жараёнига боғлиқ эди. Қуръони Каримдан турли бўлақлар даъватнинг эҳтиёжларига қараб, воқеликнинг ҳолатидан келиб чиқиб, даъват бошланишидан то охиригача бирин кетин туша бошлаган. Иккиламчи, ўша даврда кишиларни ота-боболаридан қолиб келган урф-одатларидан ва ўзлари кўникиб қолган тузумларидан бирданига ажратиб бўлмас эди. Шунинг учун Қуръони Карим тарқоқ тушган ҳолда юқорида зикр қилинган ҳолатларни бирин-кетин Исломи дини келтирган тартиб ва қоидаларга алмаштирди ва ҳ.к.з.

Қуръони Каримнинг бу тариқа нозил бўлиши ҳақида Аллоҳ таъолонинг қуйидаги ояти калималарини алоҳида келтириш жоиздир:

Исро сурасининг 106 оятида:

و قرأنا فرقناه لتقرأه على الناس على مكس ونزلناه تنزيلا

"Сиз Қуръонни одамларга аста-секин ўқиб беришингиз учун Биз уни қисмларга ажратдик ва бўлиб-бўлиб нозил қилдик."

Суралар Макка ва Мадинада нозил қилинган бўлиб, Маккада нозил қилинганлари маккий суралар, Мадинада нозил қилинганлари эса маданий суралар деб аталади. Маккий суралар 88 та, маданий суралар 26 та.

Суралар қуръонда ўз мазмуний изчиллигига ёки ўқилган вақтига, яъни хронологик тартибига қараб эмас, балки ҳажмига кўра - аввал катта суралар, ундан сўнг кичик суралар тартибида жойлаштирилган. Сураларнинг ҳажми ҳам ҳар хил: энг катта ҳажмга эга бўлган 2-сурада 286 оят бор, энг кичик суралар фақат 3 оятдангина иборат.

Исломишунослик ва қуръоншунослик хулосалари асосида сураларнинг хронологик тартибини қуйидагича шаклда тасаввур қилиш мумкин:

1. Макка даври (610-615 йиллар). Бу даврда юксак адабий ижод

намуналари бўлган сажъ жанридаги суралар ўқилган. Европа олимлари уларга «Назмий суралар» деб ном берганлар.

2. Макка даври (616-619 йиллар), Муҳаммад (с.а.в.) ва уларнинг издошлари доимий таъқиб остида яшаган ва кўпчилик Ҳабашистонга кўчиб кетган муҳитда ўқилган. Бу сураларда Оллоҳнинг «Раҳмон» сифатида кўп тилга олинганлиги сабабли Европа олимлари уларни «Раҳмон суралари» деб атаганлар.

3. Макка даври (610 йил бошларидан 622 йил сентябригача). Бу даврда ҳам Муҳаммад (с.а.в.) ва унинг издошлари таъқиб остида яшаганлар, махфий равишда, кўпинча шаҳардан ташқарида ибодатга тўпланганлар. Бу давр сураларида исломнинг ақоид таълимотига кенг ўрин берилганлиги сабабли, европалик олимлар буларга «Пайғамбарлик суралари» деб ном берганлар.

Тарихий воқеалар аниқроқ кўзда тутилган ҳолда Мадинада туширилган 24 та суранинг нозил бўлиш даврини беш босқичга ажратиш маъқулроқдир:

I давр (622 йил октябрдан 624 йил гача). Муҳаммад (с.а.в.) Мадинага кўчиб келганидан маккаликлар билан биринчи йирик тўқнашув - Бадр жангигача ўқилган 4 сура бу даврга киради.

II давр (624 йил мартдан 625 йил мартигача). Бадр жангидан кейин Уҳуд жангигача ўтган бир йил ичида ўқилган 3 сурани ўз ичига олади.

III давр (625 йил мартда - 627 йил мартигача). Уҳуд жангидаги мағлубиятидан кейин Хандақ жангигача ўтган икки йил ичида 5 та сура ўқилган.

IV давр (627 йил апрелидан 630 йил январигача). Хандақ жангидан сўнг Макканинг олинишигача ўтган салкам уч йил ичида ўқилган 8 сура шу даврга киради.

V давр (630 йил февралидан 632 йил майигача). Макка олинигандан кейин Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг вафотигача ўтган икки йилдан ортиқроқ давр ичида ўқилган 4та сура шу даврга киради.

Ислом динининг муқаддас китоби бўлган Қуръони Карим оятларининг жам қилиниши жараёни икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич-оятларнинг тарқоқлик даври, иккинчи босқич-оятларнинг муайян бир китоб шаклидаги даври.

Биринчи босқич-Қуръоннинг хотираларда ёдлаш билан жамланиши бўлиб, бу жараён пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳаётлари даврига, уларга ваҳий нозил бўла бошлаган пайтларга тўғри келади.

Шу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Қуръони Карим оятларини фақатгина хотираларда ёдлаш билан чекланиб қолмадилар. Балки нозил бўлган оятларни ўз вақтида ёзиб бориб, келгусида бир мукамал Мусҳафи Шариф сифатига келтириш учун саҳобаи киромлардан тўрт кишини ўзларига котиб қилиб олган эдилар.

У пайтларда қоғоз, ёзув-чизув, нашриёт ишлари айтарли йўлга қўйилмаган эди. Бинобарин, нозил бўлиб турган оятларни хилма-хил ҳайвон териларига, ёғочларга, баъзи дарахтнинг пўстларига, фил суякларига ва зарб қилиш мумкин бўлган бошқа ашёларга ёзиб юрилар эди. Шунинг учун ҳам Қуръонни мунтазам бир тўплам қилиб чиқаришликка пайғамбаримиз даврларида қулай бир шароит бўлмаган.

Шундай қилиб Пайғамбаримиз (с.а.в.) ташаббуслари билан ҳайъат сифатида ёзишни яхши биладиган саҳобалардан бир гуруҳ котиблар пайғамбаримиз ҳузурларида Қуръон оятларини ёзиб борганлар. Бу гуруҳ Абу Бакр Сиддиқ (572-634), Умар ибн ал-Ҳаттоб (575-644), Али ибн Аби Толиб, Усмон ибн Аффон, Зайд ибн Собит, Убай ибн Каъб (Аллоҳ улардан рози бўлсин) лардан иборат бўлиб, улар "Куттаб ал-вахий" (махсус ваҳий котиблари) деб ном олганлар. Баъзи манбаларда мазкур гуруҳ таркибига саҳобалардан Муовия ибн Абу Суфён ҳам киритилган. Мазкур гуруҳнинг ташкил топган санаси ҳақида аниқ маълумот йўқ, лекин Пайғамбаримиз (с.а.в.) Мадинага ҳижрат (мил. 622 йил) қилганларидан кейин ўзларининг кўрсатмалари билан Қуръон оятлари махсус ваҳий котиблари томонидан ёзиб борилган, деган таҳмин бор.

Қуръони Карим суралари ва оятларининг суҳуф шаклига келтирилиши Қуръони Каримнинг жамланиши жараёнининг иккинчи босқичига, халифа Абу Бакр Сиддиқ (572-634) замонида тўғри келади.

Ислом тарихидан маълумки, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом вафотларидан сўнг Ислом оламида халифат ташкил қилинади ва биринчи халифа этиб ўша даврда ислом динининг етакчиларидан бири - ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) сайланади. Унинг халифалик даври (632-634) Ислом тарихида ўзининг муҳим саҳифалари билан муҳрланиб қолди. Чунки бу даврда Ислом жамиятини ҳуқуқий бошқариш, унинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятини белгилашда халифаликнинг ўрни муҳим эди. Бундан ташқари мазкур даврнинг ўзига хос тарихий аҳамияти шундан иборат эдики, мусулмонлар ва номусулмонлар ўртасида давом этиб келган тўқнашувлар, зиддиятлар натижаси ўлароқ юзага келган энг шиддатли жанглардан бири Ямома жанги ана шу даврга тўғри келди.

Тарихчиларнинг қайд қилишларича¹, ҳижрий 632 йилда Ислом динига, шу даврда янги ташкил топган халифатга қарши кучлар намоён бўла бошлайди. Ана шундай исёнкор ва ёвуз кучлардан бири - Араб жазирасининг шарқида пайдо бўлган Мусайлиматул-каззоб бошлиқ муртадлар (диндан қайтганлар) қабиласи бўлиб, у Ислом динига жиддий

хавф сола бошлады. Натижада халифа Абу Бакр (р.а.) бу ёвуз кучга қарши бир жанговар қўшин тўплашга мажбур бўлади ва бу қўшинга Холид ибн Валид исмли бир саҳобани бошлиқ этиб тайинлайди.

¹ааранг: Бартольд В.В.: «Сочинения», Москва-1966 г., т. II, № 124-бет.

Муртад қабилаларга қарши бўлиб ўтган бу жанг ниҳоятда шиддатли бўлиб, унда жуда кўплаб мусулмонлар ҳалок бўладилар. Манбаларда қайд қилинишича, бу жангда шахид бўлган мусулмонларнинг сони 1200 кишидан ортиқ бўлиб, улар орасида Қуръони Каримни тўлиқ ёд олган етмишга яқин мураттаб қорилар ҳам шахид бўладилар.

Ямома жанги халифа Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) ни, у бошлиқ халифат раҳнамоларини, барча маккалик мусулмонларни, қолаверса, бу машъум хабар Мадинага етиб келгач, барча мадиналик мусулмонларни, шу жумладан ҳазрати Умар ибн ал-Ҳаттоб (585-644) ни қаттиқ қайғуга солиб қўяди. Натижада ҳазрати Умар (р.а.) халифа Абу Бакр (р.а.)га мурожаат қилиб: «Барча қорилар шу зайлда ўлиб кетаверсалар, Қуръон нуқсонли бўлиб қолиши мумкин, шу сабабли уни жамлаб китоб ҳолига келтириш зарур» деган маслаҳатни берадилар.

Халифа Абу Бакр (р.а.) аввалига бу маслаҳатга кўнмай, иккиландилар, чунки бу иш Пайғамбаримиз (с.а.в.) даврларида амалга оширилмаган эди. Бироқ, кейинроқ халифа ҳам Қуръони Каримни китоб шаклига келтириб қўйиш зарурлигини англаб етгач, бу ишга бошчилик қилишга рози бўлади.

Халифа Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) ҳазрати Умар (р.а.) маслаҳатига рози бўлиб, Қуръони Карим оятларини бир китоб шаклига келтиришга қарор қиладилар ва бу ишни амалга оширишни Зайд ибн Собитга топширадилар. Чунки Зайд ибн Собит Расулуллоҳ (с.а.в.) билан жуда кўп бирга бўлган, Қуръони Каримни энг яхши ёд олган ва уни Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларида ёзган котиб эди. Ҳатто Пайғамбаримиз (с.а.в.) умрларининг сўнгги йилида фаришта Жаброил алайҳиссаломга Қуръон сураларини охиригача ўқиб берганларида ҳам бирга бўлган эди.

Зайд ибн Собит ва Умар ибн Ҳаттоб (р.а.) ва бошқалар Қуръони Каримни пухта ёд билишларига қарамай, бу улкан ишни мустаҳкам, ишончли бўлишига ҳаракат қилиб масжидда эълон қилдилар: «Кимнинг кўлида ёзилган Қуръон бўлса ва уни Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларида ёзилганига иккита гувоҳи бўлса, бизга олиб келсин. Қуръонни жам қилишга Халифанинг буйруғи бўлди»,² дедилар.

Шу тариқа Зайд ибн Собит зиммаларидаги масулиятни тўла ҳис қилганликларидан бу вазифага изчил ёндошдилар. Улар бу йўлда фақат биргина йўл тутмасдан, балки бу улуғ вазифани мукамал адо этиш учун парча-парча ёзувларни ҳам тўплаб, Қуръони Каримни бир тўплам шаклига келтирдилар. Бу ишни бажаришда улар қуйидагича йўл тутдилар: тош татачалар, тери ва бошқа нарсаларга Расулуллоҳ (с.а.в.) дан ёзилган ҳар бир парча тўпланди. Саҳобалар ёзиб олган битиклар ҳам олиб келинди. Буларнинг тўғрилигини аниқлаш учун Қуръони Каримни тўлиқ ёд олган саҳобалар кўригидан ўтказиш лозим деб топилди. Мана шу уч манбанинг бир хил далолатига биноан ёзилган ва

² Мушаммад Соди= Мушаммад Юсуф: «Тафсири Шилол», 30-пора, Тошкент-1991 йил, 7-бет.

ўқилган парчаларда ҳеч қандай хато йўқлиги исботлангач, Қуръондан ҳар бир лафз ёзилар эди.

Мана шу тариқа Зайд ибн Собит ва Умар ибн Хаттоб (р.а.) ларнинг машаққатли уринишларидан сўнг мураттаб қориларнинг қироатига ва Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларида ваҳий нозил бўлиш пайтида ёзилганлиги исботланган нарсаларга асосан Қуръони Каримни кийик терисидан бўлган саҳифаларга ёзиб чиқдилар ва у «сухуф» яъни «саҳифалар» деб номланди.

Гарчи Қуръоннинг «Сухуф» шакли бизгача етиб келмаган бўлсада, аммо халифа Усмон (р.а.) даврига келиб унинг «Мусҳаф» шаклининг яралишига асосий манба сифатида хизмат қилди.

Даврлар ўтиб Қуръони Каримнинг "сухуф" шакли "мусҳаф" шаклига айланишининг асосий сабабларидан бири Қуръони Каримнинг етти хил қироатда нозил бўлганлиги билан боғлиқдир.

Маълумки, Қуръони Карим пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга 23 йил давомида нозил бўлган. Аммо ўша даврда Арабистон ярим оролида яшовчи араблар бир қанча қабилаларга бўлинган бўлиб, уларнинг ўртасидаги этнолингвистик яхлитланиш турлича эди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом Қурайш номли қабиладан бўлганликлари учун Қуръони Карим аввалига Қурайш қабиласи лаҳжасида нозил бўла бошлади. Бу эса бошқа қабил аҳллари учун бир қанча қийинчиликларни туғдириши мумкин эди. Шу боисдан ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Қуръони Карим оятларини араб тилининг етти шеvasида ўқишга ижозат берган эдилар. Булар-"қурайш", "хузайл", "сақиф", "ҳавозин", "кенона", "тамим" ва "яман" номли катта қабиларнинг шеваларидир.

Ислом минтақаларининг ҳар бир диёридаги аҳоли Қуръони Карим қироатини ўша ерда мавжуд бўлган саҳобалар ичидаги машҳур қоридан ўрганар эдилар. Ўз навбатида бу кори-саҳоба бирон-бир лаҳжага мансуб эди. Масалан, Шом аҳли Убайд ибн Каъб қироатида, Куфа аҳли Абдуллоҳ бин Масъуд қироатида, яна бошқалар Абу Мусо ал-Ашъарий қироатида тиловат қилар эдилар. Натижада саҳобалар қироати ўртасидаги фарқ улар яшаб турган минтақадаги аҳолининг қироатида ҳам ўз аксини топади. Бу эса турли минтақа мусулмонлари ўртасида Қуръони Карим қироати юзасидан тортишувлар келиб чиқишига, ҳатто ҳар бир томон ўзининг қироатини тўғри ва афзал деб даъво қилишига олиб келади.

Халифа Усмон ибн Аффон (644-656) (р.а.)нинг халифалик даврига келиб юқоридаги ихтилофлар анчагина кучаяди. Чунки, бу даврга келиб Ислом футухотлари анчагина кенгайиб, Эрон бутунлайча ва Византиянинг катта қисми Араб халифалиги таркибига киргач, Қуръони Карим тиловатидаги турли-туманлик янада ортади ва бу халифаликка таҳдид сола бошлайди.

Шу ўринда юқоридаги фикримизга асос бўлувчи бир қанча ривоятларни келтириб ўтиш жоиздир. Имом ал-Бухорий ривоят қиладилар: "Хузайфа бин ал-Яман ҳазрати Усмон (р.а.) олдиларига

келдилар. Бу пайтда (Ҳижрий 25 йил ва ҳазрати Усмон (р.а.) халифаликларининг иккинчи йили) Ҳузайфа шом аҳлига бош бўлган ҳолда Ироқ аҳли билан Арманистон ва Озарбайжон ғазотида иштирок қилаётган эдилар. Шом ва Ироқ аҳллари ўртасидаги Қуръони Карим тиловати борасида ихтилоф Ҳузайфани даҳшатга солди. У зот ҳазрати Усмон (р.а.) га : "Эй амирал-муминин! Мусулмонлар Қуръон хусусида яҳудий ва насоролар каби ихтилоф қилмасларидан бурун бу умматнинг ҳолидан хабар олинг" дедилар. Шунда халифа Усмон (р.а.) Ҳафса онамизга одам юбориб: Саҳифаларни бизга бериб тулинг, ундан нусха олиб, Сизга яна қайтариб берамиз",- дедилар. Ҳафса онамиз саҳифаларни ҳазрати Усмон (р.а.) га юбордилар. Халифа Усмон Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саид бин Ос, Абдурахмон бин Ҳорис ибн Ҳишомларга амр қилдилар ва улар саҳифалардан бир неча мусҳаф қилиб, нусха кўчирдилар, кейин саҳифаларни ҳазрати Усмон Ҳафса онамизга қайтариб бердилар. Кўчирилган нусхалардан ҳар бир минтақага битта- биттадан мусҳаф юбордилар. Қуръондан ёзилган бошқа ҳар хил саҳифа ва мусҳафларни эса куйдиришга буюрдилар."³

Шундай қилиб, Қуръони Карим қироатидаги шиддатли ихтилофларга чек қўйиш мақсадида халифа Усмон (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг саҳобалари билан маслаҳатлашиб, Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) замонида ёзилган Қуръони Каримнинг "суҳуф" тўпламидан нусха кўчириб, ягона қироатга асосан мусҳаф қилишга қарор қилади. Бу ишни яна ўша котиб Зайд ибн Собит (р.а.) га топширади. У бир қанча саҳобалар ёрдамида Қуръони Карим оятларини ягона қироатга кўчириб, мусҳаф шаклига келтиради ва бу шарафли хизмати учун у халифа Усмон (р.а.) томонидан юз минг дирҳам ҳадя билан тақдирланади.⁴

Шу ўринда Қуръони Каримни ягона қироатга ўтказиш масаласига тўхталиб ўтсак. Котиб Зайд ибн Собит Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) саҳифаларига ҳеч қандай янгилик ёки тартибий ўзгариш киритгани йўқ, ёки ундан бирор нарсани олиб ташлагани йўқ, балки Қуръони Каримни ягона лаҳжа- қурайш лаҳжасидаги қироатга ўтказди. Бу ишни улар "Қуръон-қурайш лаҳжасида нозил бўлди", деган ҳужжатга асосан қилдилар.

Шундай қилиб, халифа Усмон (р.а.) даврларига келиб 651 йилда Қуръони Каримнинг ягона -қурайш лаҳжасидаги қироатга асосланган сўнгги тўплами -"мусҳаф" (муқоваланган китоб) шакли ёзилди ва барча мусулмонларни мана шу мусҳаф қироатида ўқишликка буюрилди. Мазкур мусҳаф тарихда "Усмон мусҳафи" деб ном олди. Халифа Усмон (р.а.) мазкур мусҳафдан бошқа Қуръоннинг барча кўлёзма нусхаларини ёқиб ташлашга амр қилади. Саҳобаларнинг ҳаммалари халифа Усмон (р.а.)нинг бу фармониغا амал қилиб, ўзларида мавжуд бўлган ихтилофли нусхаларни ёндириб

³ +аранг: Имом ал-Бухорий. "Жомеъус-саиш". Т., 1997.

⁴ Климович Л.И.: «Книга о Коране», Москва-1988, № 65-бет.

ташлаб, "Усмон мусхафи"га ўтдилар.

Мазкур Усмон мусхафи биринчи расмий нусха сифатида эътироф этилади. У асл нусха ҳисобланиб, халифа Усмон (р.а.) буйруғи билан ундан учта, баъзи манбаларга кўра етти нусха кўчиртирилиб, йирик шаҳарлардан Басра, Дамашқ ва Куфага жўнатилади. "Имон" деб номланган асл нусха эса, Мадинада халифа Усмон (р.а.) ҳузурида қолди. Кўчирилган нусхаларнинг ҳар бирига биттадан қори қўшиб, марказий шаҳарларга жўнатдилар ва ҳаммага фақат Қуръоннинг мана шу нусхасидан кўчиришга буйруқ берилади. Бундан мақсад эса-Қуръони Карим қироатини битта йўналишга-асл қурайш қироатига ўтказиш ва бу билан Қуръони Карим қироатидаги ихтилофларга чек қўйиш эди.

Араб тарихчиларининг хабар беришларича, халифа Усмон қуръонни мутоала қилиб ўтирганларида ўлдирилган. У кишининг қони қуръонга тўкилган. Шу туфайли ҳам Усмон қуръони асл нусхалиги ва халифа қони тўкилганлиги билан мусулмон дунёсида муқаддас китоб ҳисобланиб, алоҳида эътиборга сазовордир. Биздаги, яъни Тошкент шаҳридаги Усмон қуръонида ҳам қон излари бўлиб, шу нусха халифа Усмонга тегишли деган фикрлар мавжуд.

Усмон қуръони руслар Ўрта Осиёни босиб олгунча Самарқандда, Хўжа Аҳрор мадрасасида сақланар эди. қуръонинг Самарқандга келтирилиши ҳақида ҳам халқ ўртасида ҳар хил ривоятлар мавжуд. Улардан бирида муқаддас китобни Абу Бакр ал-Қафғол аш-Шоший (976 йили вафот этган, Тошкентда дафн қилинган) Бағдоддан олиб келган деб ҳикоя қилинади. Авлодлар оша Абу Бакр қафғол Шоший меросхўрларидан Хўжа Аҳрор қўлига ўтган ва у китобни ўзи қурдирган мадрасага қўйдирган. Иккинчи бир ривоятда эса Хўжа Аҳрор муридларидан бири Маккадан ҳаж қилиб қайтаётганида Истамбулга киради ва бориб Султонни оғир ҳасталиқдан даволайди. Султон миннатдорчилик билдириб, унга қуръонни тортиқ қилади.

Бизнинг ва арабшунос олимларнинг фикрича бу қуръон соҳибқирон Темур томонидан Басрадан кўплаб қўлёзма китоблар ва бошқа ўлжалар билан бирга Самарқандга келтирилган ва машҳур Темур кутубхонасига қўйдирилган. Темурийлар давридаги ўзаро келишмовчиликларда Темур кутубхонаси ёндирилиб юборилган. Тасодифан шу нусха омон қолган.

қуръонни чуқур илмий тафтиш этган Санкт-Петербурглик шарқшунос олим А.В.Шебунин фикрича, қуръон Басрадан Соҳибқирон Темур томонидан Самарқандга келтирилган. чунки, Шебунин Париж, Берлин ва Маккадаги бошқа нусхаларига солиштириб, биздаги қуръоннинг Басра нусхаси эканлигини исботлаб берди. 400 йил давомида бу муқаддас китоб Самарқандда сақланади.

Минг афсуслар бўлсинки, 1868 йилда рус аскарларининг Самарқандга бостириб кириши билан халқимизнинг моддий, маънавий бойликлари тажовуз бошланди.

Албатта бу тажовуздан муқаддас ҳисобланган қабр тошлари, мақбара ичидаги ёдгорликлар ҳам, мусулмонлар диний эътиқодининг шохона мулки Усмон Мусҳафи ҳам четда қолмади. Мусулмонлар қуръонини тезликда бекитиб Бухорога жўнатмоқчи бўладилар. Бирок бу хабар Зарафшон ўлкасининг бошлиғи генерал Абрамов қулоғига етиб, «фан учун бундай нодир, бебаҳо, қадимий ёдгорликни қўлдан чиқармаслик учун ҳамма чора қўрилсин» деб полковник Серовга буйруқ беради. Серов қуръонни генерал Абрамовга келтиради. Абрамов эса уни зудлик билан Туркистон генерал-губернатори К.Н.Кауфманга етказди. У ўз навбатида зудлик билан 1869 йил 24 октябрда Петербургга - Император кутубхонасига алоҳида кузатувчилар билан юборади.

Октябрь тўнтаришидан сўнг Бутунроссия мусулмонлар жамияти номидан Усмон Тўқумбоев РСФСР Халқ Комиссарлари Советига мурожаат қилиб, муқаддас Усмон қуръони ўз эгаларига, яъни мусулмонларнинг Ўлка съездига топширилишини талаб қилади. РСФСР ХКС томонидан мусулмонларнинг талабини қондирилиб, қуръон мусулмонлар ихтиёрига берилади. 1917 йил 29 декабрь куни Петербургдаги подшо кутубхонасининг «нодир қўлёзмалар» бўлимида олиниб, Бутунроссия мусулмонлар жамияти раиси У.Тўқумбоев жавобгарлиги остида Уфа шаҳрига жўнатилади. қуръон 1923 йилгача Уфада сақланади.

1923 йил 23 июлда Бутуниттифок Марказий Ижроқўми Усмон қуръонини Туркистонга қайтаришга қарор қилади. Муқаддас ёдгорликни Уфадан Тошкентга махсус комиссия кузатувида олиб келинади. 1924 йил 18 августда Тошкентдан Сирдарё диний идорасига қарашли Хўжа Аҳрор жомеъ масжидига топширилади.

Муқаддас ёдгорликни ўз элига келтириш учун Уфа шаҳрига махсус комиссия юборилди. Комиссия таркибида Султонхўжа қосимхўжаев шарқшунос олим, профессор А.З.Шмитд ва дин пешволаридан 3 вакил бор эди. Комиссия махсус вагонда, қуролли кучлар қуршовида, қуръонни эсон-омон Тошкентга келтирдилар. Шундан кейин қуръон 1924 йил 18 августда Сирдарё диний идорасига қарашли Хўжа Аҳрор жума мачитига топширилади. Лекин кўп ўтмай қуръонни эски шаҳар музейига келтирадилар ва у махсус пўлат сандикда сақлана бошланади. Эски шаҳар музейи Биринчи ўзбек музейига айлантирилди. Музей 1926 йилнинг 1 январидан очилди. 1926 йилнинг фақат бир оyi ичида музейни 4000 киши келиб кўрган.

Таянч сўзлар: Қуръон, ваҳий, Ҳиро ғори, Макка, Мадина, сухуф, мусҳаф, халифа, Абу Бакр, Умар, Зайд Бин Собит, Усмон мусҳафи.

Саволлар

1. Қуръон қачон нозил бўла бошлаган.
2. Қайси халифа вақтида Қуръон сухуф ҳолатида жамланган?
3. Усмон мусҳафи неча нусхада дунё бўйлаб тарқатилган?

4. Усмон мусхафининг Мовароунаҳрга олиб келиниши ҳақида гапириб беринг.
5. Усмон мусхафи қандай Тошкентга қайта олиб келинди?

Ҳадис тўпламлари – исломшунослик манбалари сифатида

Режа

1. Ҳадис ҳақида умумий маълумот.
2. Ҳадис ва унинг турлари.
3. Ҳадис тўпламларининг вужудга келиши.
4. “Сихоҳи ситта”га кирган тўпламлар.

Муҳаммад(а.с.) ҳаётлик чоғларида ваҳий келгандан бошлаб то вафотларига қадар айтган сўзлари, бажарган феъллари, бирон саҳоба қилган ишни тасдиқлаганлари ёки индамасалар-да, иқрор қилган нарсалари ҳадис ёки сунан дейилади.

Пайғамбар (с.а.в) даврларида ҳадисни саҳобийлар эшитиб, ёзмасдан унга амал қилар эдилар. Чунки ҳадис Қуръон оятларига аралашиб кетмаслиги учун Пайғамбар (с.а.в.) уни ёзишдан ман қилар эдилар. Аммо Қуръон мукаммал шаклда нозил бўлиб, саҳифалар ҳолига келтириб бўлингач, одамлар ҳадисни ёзишга эҳтиёж сеза бошладилар.

Чунки Пайғамбар(с.а.в.) вафотларидан кейин тобеъинлар даврида ислом душманлари томонидан исломнинг ичига ҳар хил фитналар ва шулар қаторида Пайғамбар (с.а.в.) айтмаган ёлғон ҳадисларни киргизиш ҳоллари кўзга кўрина бошлади. Тобеъинлар даврида у қадар кўп ҳадис ёзилмади. Табаъ тобеъинлар ва улардан кейинги асрда яшаган олимлар ҳадисни чуқур ўрганиб, уни даражаларга бўлиб, китоб шаклида ёза бошладилар. Бунинг баробарида ҳадис ривоят қилишда асос бўлган жарҳ ва таъдил илми ҳам келиб чикди.

Ҳижратнинг IV асрга келиб ҳадис ва ҳадисга тааллуқли билимлар мукаммал ва алоҳида илм тусини олди. Энди ҳадислар санади, ровийи ва матнига қараб даражаларга бўлинди. Ҳадис илми олимлари Расулуллоҳдан деб ривоят қилинган ҳар бир ҳадисни даражасига қараб "мутавотир", "саҳиҳ" ва бошқаларга бўлиб, ҳар бирининг шартларини ва ҳукмларини баён қилдилар.

1. Саҳиҳ — санаддаги ровийлар ўзидан олдинги ровийдан бевосита олган ҳадисдир. Бу ўринда ровийнинг одил бўлишлиги, мукаммал шаклда ҳадисни забт қилганлиги ва ҳадиснинг саҳиҳлигига таъсир қилувчи иллат бўлмаслиги шарт қилинган. Аҳли ҳадиснинг ижмоси билан унга амал қилиш вожибдир.

2. Муттафакун алайҳ-Имом Бухорий ва Имом Муслим ўз "Саҳиҳ"ларида бирон ҳадисни зикр қилсалар ва бу ҳадислар маъно ва матнда бир хил бўлса, муттафакун алайҳ, яъни бу икки

муҳаддис иттифоқ бўлишган, дейилади.

3.Ҳасан — бунда саҳиҳда шарт қилинган нарсалар мавжуд бўлишлиги зарур, лекин ровийнинг ҳадис забти(ҳадисни ёддан билиш ёки ёзиб олиши)бироз енгилроқ бўлади.

4.Ғариб— ҳадиснинг ривоятида бир ровийнинг якка ҳақ, баъзисида ровийнинг бир ўзи бўлмоғи.

5.Заиф —ўзидан "ҳасан" нинг сифатларини жамламаган, унинг шартларидан бирор шартни йўқотган бўлса, заиф ҳадисга амал қилиш мустаҳабдир.

6.Мурсал —заиф ҳадиснинг бир тури, иснодининг охирида тобеъиннинг узи (саҳобани зикр қилмай) "Расулуллоҳ шундай дедилар" дейди, Бунинг ҳукми ихтилофли.

7.Муъзал —заиф ҳадиснинг бир тури, иснодидан якки ёки ундан ортик ровийнинг тушиб қолиши. У мурсал ва мункотиъдан ҳам ёмон ҳолдадир.

8. Мункотиъ - узилиши қандай сабабдан бўлмасин исноди уланлган ҳадис. Иснодининг узилиши бошдами, уртасидами ёки охиридами — бунинг фарқи йук. Мункотиънинг ҳукми ҳам заиф ҳадис қабидир.

9. Муаллас— иснодидаги бирон айбни яшириб берилган, лекин аслида тукиб чиқарилган ёлгон ҳадис. Уламоларнинг ижмосига қура, унинг ривоят қилиш ҳалол эмас.

10. Мавзуъ — Пайгамбарга (с.а.в.) нисбат берилган, лекин аслида тукиб чиқарилган ёлгон ҳадис. Уламоларнинг ижмосига қура, уни ривоят қилиш ҳалол эмас.

11. Матрук — иснодида ёлгончи деб гумон қилинган ровийи бор ҳадис ҳукми олинмайди.

12. Мункар — иснодида заиф ровий бўлиб ишончли деб билинган ровийнинг ҳадисига зид келган ҳадис.

13. Марфуъ — Пайгамбарга (с.а.в.) бирор суз, феъл, тақрир ёки сифатни изофа қилиш.

Саҳиҳ ҳадислар тўплами.

Юқорида айтиб утганимиздек, Пайгамбарга (с.а. в) уз ҳадисларини ёзиб борилишини куллаб—қувватламаган бўлсалар ҳам, лекин омонатдор эканлигига ишонган кишилар томонидан ҳадисларни йиғишга монелик қилмаганлар. Бу ҳолатга имом ал—Бухорий ва бошқа саҳиҳ китобларнинг муаллифлари ривоят қилганлар. "Мендан ҳадис эшитиб, уни яхшилаб ёдлаб мусулмонларга эшитгандек етказган кишининг юзини Аллоҳ таоло нуроний қилсин,зеро шундай ҳам бўладики, ҳадисни эшитган кишидан қура уни эшитган одам

яхшироқ олим булиши мумкин" деган ҳадислари имом ал — Бухорийнинг ривоятларида келган, "Мендан бир суз ёки калима эшитган булсангиз, уни албатта бошкаларга етказинглар" деган ҳадислари ва бошка шу мазмунда айтилган ҳадислари кийинги уламоларга Пайгамбаримиз ҳадисларини туплаш, уларни китобат килиш ва мажмуалар тузиш ҳукукини берди.

Ислом дини мазҳаб асосчилари шариат қонунларини ишлаб чиқишда Пайгамбаримиз (с.а.в) ҳадисларига тез—тез мурожаат қилганлар, Мазҳаб имомлари асосан ҳадиси шарифга эътиمود қилганлар. Буларнинг китобларида ҳадислар шунчалик қуп эдики, кейинчалик уламолар уларнинг китобларини қупроқ ҳадисга таалукли деб баҳолашган. Масалан, имом Молиқнинг "Ал—муватто" китоблари Моликий мазҳабнинг асосий фикҳ булишига карамай, уни кейинги олимлар ҳадис китоби деб қарайдилар. Шофиъий мазҳабининг муссиси имом Шофиъий ҳадис ҳақидаги илм булмиш "Муталаҳук ҳадис" нинг асосчиси ҳисбланадилар. Кейинги муҳаддислар ва фани тарихини илмий равишда таҳлил қилган

Уламолар имом Шофиъийнинг бу соҳадаги китоблари барча муҳаддислар учун асосий дастуруламал экая деган ҳулосага келганлар. Уларнинг фикрича, "имом Шофиъийнинг китоблари таълиф этгунга қадар муҳаддислар гуё оғир уйкуда булганлар, имом Шофиъий уларни уйкудан уйготганлар".

Ислом оламининг уламолари тарафидан маъқулланган олти китоб энг саҳих, яъни ишончли ҳадислар деб эътироф этганлар. Бу китоблар "ас — Сихох ас — ситта", яъни пайгамбаримиз (с.а.в) ҳадисларига дойр олти саҳих китоблар деб юритилади. Бу китобларнинг муаллифлари қуйидаги зотлардир:

Имом ал — Бухорий, вафотлари 870 милодий йил

Имом Муслим, вафотлари 875 м.й.

Имом Ибни Можжа, вафотлари 887 м.й.

Имом Лбу Довуд, вафотлари 888 м.й.

Имом ат — Термизий, вафотлари 892 м.й.

Имом Насвфий, вафотлари 915 м.й.

Имом ал — Бухорий.

Имом ал — Бухориининг 4 жилддан иборат "Ал — Жомиъ ас — Саҳих" номли ҳадислар туплами мусулмонлар учун Қуръон Каримдан кейин иккинчи манбаъ ҳисобланади. Бу асарнинг тулик номи "Ал—Жомиъ ас — саҳих ал — муснад мин ҳадийси Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ва сунанийҳи ва аййомихи" ёки тарихчи Бадруддин ал — Айнийнинг ёзишича, "Ал — Жомиъ ал — муснад ас — саҳих ал—мухтасар мин умури Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва сунаниҳи ва аййомихи" булсада, қискача "Ал— Жомиъ ас — Саҳих" ёхуд "Саҳийҳ ал — Бухорий" номи билан машҳурдир.

Имом ал — Бухориининг таъкидлашича тупламга олти юз минг

ҳадисдан фҳат(7275 та) саҳихлари танлаб киритилган ва ёзилганлиги ҳасида турли фикрлар мавжуд. Тарихчи Ибн Ҳажар ал— Асқалоний барча фикрлар асосида бундай хулосага келган : "Имом ал—Бухорий "Ал—Жомиъ ас —Саҳих" ни Байтуллоҳда ёзишга киришиб, уз она юртлари Бухорода ниятсизга етказганлар ва окка кучирганлар. Албатта, аллома уз асарларига киритган аксар ҳадисларни хорижий юртларда сафарда булганларида туплаганлар. Сунг, уларни уч мартта таҳрир этиб, китоб таснифини тугатганлар". Имом ал—Бухорий ровийлар хусусида ҳам жуда катта масъулият ва эҳтиёткорлик билан иш тутиб, қайта—қайта текширувлардан сунггина улардан ҳадислар ёзиб олганлар. Бу хусусда алломанинг узлари "Минг ёки ундан ортик ишончли уламолардан ҳадис ёзиб олдим, менинг асаримга исноди келтирилмаган биронта ҳам ҳадис келтирилмаган". —деб таъкидлайдилар.

Имом ал —Бухориининг Ал —Жомиъ ас — Саҳих асарларига жуда куп шарҳлар ёзилган булиб, улар ҳажм ва аҳамияти жиҳатидан хилма — хилдир. Қатор манбаъларда келтирилишича, уларнинг сони юзга яқиндир.

Имом Муслим.

Имом Муслим бу соҳада булган изланишлари ҳадис буйича буюк зот даражасига олиб чиқди. Имом Муслимнинг асарлари куп, лекин уларнинг энг йирик ва муътабари "ал—Жомиъ ас —саҳих"хисобланади. Бу асарни ёзиш учун куп манбаълар ва турли маълумотлардан фойдаланади. Узининг эътироф этишича, у "ас — Саҳих" китобини ёзиш учун уч юз мингдан ортик ҳадисни туллаб, уни таҳлил қилиб чиққан. Унинг бу асарини Саҳих Муслим " деб атайдилар. Унга куплаб шарҳ ва иловалар баянланган, ҳамда Нелом оламида жуда кул шухрат топан.

"Саҳихи Муслим" асарининг ёзилиш мудлати ҳақида аниқ маълумотлар булмаса—да, бундам йирик асарнинг узок йиллар давомида қилинган машаққатли меҳнат маҳсули эканлиги уз—уздан маълум. Чунки, ҳар бир ҳадисни эшитиб, матну иснодини аниқлаш роятда мушкул иш булиб, бунинг учун қанчадан-қанча мамлакатларни кезиб, не—не машаққатларни бошдан кечириш лозим булган. Имом Муслим замондошлари қолдирган маълумотлари асосида бу асар тахминан 15 йил давомида ёзиб тугатилган дейиш мумкин.

Таркибий жиҳатдан бу асар 8 қисмдан иборат булиб, улар ҳадисларнинг мазмун—моҳияти ва мавзуларига кура 54 бобга булинади. Чунончи, имон, таҳорат, намоз, масжид, закот, руза, ҳаж, никоҳ, фарз, васият, овчилик, кийим-кечак, зеб—зийнат, одоб—ахлоқ, илм — фан, маърифат, фазилат, табобат боблари шулар жумласидандир. Китобга киритилган ҳадисларнинг умумий сони 5781 та.

Имом ат— Термизий.

Ибнул—Асийр уз "Тарих"ида бундай дейди: "(Термизий) имом ва ҳофиз эди. Бебаҳо асарлар тортиқ қилди. "Ал — жомий ул — кабир "бу асар-арнинг энг мукаммалидир ".

"Кашф —уз —Зуннун'китобида "Сунани термизий" асари борасида бундай дейди : " Бу ҳадис бобида тасниф этилган кутуби ситтанинг учинчисидир.Бу китоб "Ал—жомий — ас — саҳих" дейилади , шунингдек "Сунан" ҳам деб аталади. Аммо биринчи номи купроқ кулланилади.

Термизийнинг узлари бу китоби ҳақида бундай дейдилар: Ушбу китобни тасниф қилганимдан кейин, уни Ҳижоз, Ироқ ва Хуросон уламоларига тақдим этдим . Улар розилик билдириб, қабул қилдилар. Кимнинг уйида бу китоб булса, уша хонадонда худди Пайгамбар(с.а.в) гапираётгандек булур... "

"Сунан Термизий" китобида ҳадисларнинг даражасини белгилашда икки ибора куллапган. Биринчиси "Бу ҳадис ҳасан— саҳих" деган ибора. Иккинчиси — "Бу ҳадис ҳасан — саҳих—ғариб" деган ибора.

Термизий айрим ҳадисларини "ҳасан — саҳих" , "ҳасан — ғариб, "саҳих—ғариб", "ҳасан — саҳих—ғариб" деб айтадилар. Лекин бу биликмаларни таърифламайдилар. Факатгина "ҳасан" нинг таърифини келтирадилар. Бунда "ҳасан" нинг мартабаси маълум сабабга кура "саҳих" нинг мартабасидан пастдир деган фикрни берадилар.

Ан—Насойй.

Ан—Насойй ёшлигидан ҳадис илмини катта кизиқиш билан урганган. 15 ёнгида машхур муҳаддис Қутайба ибн Саъид ал—Балхий ҳузурида, 14 ой давомида ҳадис илми бўйича таҳсил олади.

Ривоят килинишича ,ан—Насойй узининг "Сунан ал — Кубро"асарини тасниф этган чогида уша давр шахзодалари ундан китобда келтирилган ҳамма ҳадисларнинг тутри — нотутрилигини суршаганда,у ҳамма ҳадисларни ҳам тутри деб айтиш мумкин булмаганини айтган.Шундан сунг у уз китобдан зайф ҳадисларни чиқариб ташлаб.уни бирмунча қисқартирган. Шу тарика "ал — Мужтабо "деб аталган иккинчи кйсартирилган туплам "Сунан" юзага келади.Бу асар кичик ҳажимда булганидан ҳадисчилар орасида катта шухрат козонади.

Имом Абу Довуд

Абу Бакр ас-Согоний ва Иброҳим ал—Ҳарбий "Темир Довуд пайгамбар учун канчалик юмшатишган булса,ҳадис ҳам Абу Довуд учун худди нгундай кулайлаштирилган" деб айтганлар. Баъзи ривоятларга кура, машхур олим Саҳл ибн Абдуллох ат-Тустарий Абу Довуднинг зиёратига борган ва у пайгамбарнинг жуда куп ҳадисларини тугри ривоят этгани учун унинг тилидан

упган экан.

Абу Довуднинг сузларига караганда, у беш юз минг ҳадис ёзган ва шу ҳадислардан тўрт минг саккиз юзини тўплаб, узининг машҳур "Сунан"ини юзага келтирган экан. Бу асар шорихларидан бир таникли олим Абу Сулаймон ал—Ҳаттобий уз шарҳи мукаддимасида шуларни ёзади: "Дин илмида Абу Довуднинг "Сунан" каби шарафли буюк саналган китоб халигача тасниф этилган эмас. Бу асар халқ орасида жуда ҳам юксак обрў қозонди. У ҳатто Ироқ Миср, Мағриб ва бошқа улкаларнинг бир қатор шаҳарларида ҳадис тасниф этувчилар учун бир манбаъ бўлди. Шундайки, Хуросон аҳли орасида, ал—Бухорий ва Муслимнинг "Саҳиҳ"лари эътибор қозонган, саҳиҳ ҳадислар таснифи шартлари уларнинг қўз унгида туриб ундан урناк олсалар-да, Абу Довуднинг "Сунан" и яна ҳам қўп фикҳ ҳукмларини қамраб олганлиги учун, у бошқа асарлардан устун саналади".

Абу Довуд уз таълифи бўлмиш "Сунан" асарида 4800 ҳадисни келтиради.

Имом ибни Можжа

Имом ибни Можжа ибтидоий таълим — тарбияни олиб бўлиб, ҳадис илми талабида Ироқ, Миср ва Шомга сафар қиладилар ва тез фурсат ичида уз замонаси муҳаддислари орасида эътироф этилган даражага эришадилар. Ибни Можжанинг асосий китоблари "Сунан" да тўрт минг ҳадис жамланган.

Имом ибни Можжанинг китобларида ҳадис ровийларининг занжирида гоҳ унчалик машҳур бўлмаган ровийлар учраб туради ва бу эса ҳадиснинг саҳиҳлигига анча путур келтиради. Шунинг учун кейинги уламоларнинг баъзилари Ибни Можжанинг китобларини олти саҳиҳ китобдан деб ҳисобламайдилар. Лекин аксар уламолар Ибни Можжанинг

"Сунан" китоблари ҳадис бобидаги олти саҳиҳ китоблар қаторига қиради деб иттифок қилишган. Муаллиф китобларида зикр қилинган, аммо ровийлари машҳур бўлмаган ҳадислар узининг мавзуи жиҳатидан нодирдур, Шунинг учун ҳам у ҳадислар макбул ва марғуб бўлиб, "Сунан"нинг қийматини пасайтирмайди.

Имом ибни Можжа "Сунан"лари турли замон уламолари тарафидан бир неча марта шарҳ қилинган.

Таянч сўзлар: ҳадис, пайғамбар, сунна, муҳаддис, ҳадис тўпламлари, сиҳоҳи ситта, сунан.

Саволлар

1. Ҳадис деб нимага айтилади?
2. Ҳадисшунослик илмининг ривожланиш тарихи ҳақида маълумот беринг.
3. Илк ҳадис тўпламлари қачон жамлана бошлади?
4. "Сиҳоҳ ситта" муаллифлари ҳақида гапириб беринг.

Тафсирлар-исломшунослик манбалари сифатида.

Режа

1. Тафсир ҳақида умумий маълумот.
2. Илк муфассирлар
3. Тафсир илмининг ривожланиш тарихи
4. Тафсир турлари

Тафсир сузининг лугавий маъноси изох ва шархдир. Бунга Фурқон сураси 33 оятида «тафсир» сузининг «шарх» ёки «изоҳ» маъносида келиши далил булади:

«Улар сизга бирон мисол келтирсалар албатта, Биз сизга ҳақ ва энг гузал шаркни келтириб қўйдик».

Тафсир сузи «фаср» сузидан олинган булиб, шархлаш ва кашф этиш маъносини билдиради. «Қомус»да «фаср» «тафсир» каби шархлаш ва беркинган нарсани кашф этиш маъносини билдиради, дейилади. «Лисонул—араб» асарида эса: «Фаср» — шархлаш, изохлаш булиб, тафсир ҳам шу каби маънони англатади.

Истилохий маъноси ҳақида баъзи уламолар: «Тафсир илми бу узини чегаралайдиган илм эмас. Чунки у коидалар, ёки бошқа илмларга ухшаб коидаларнинг амалиётида усган узига хосликлар эмасдир. Тафсирни Аллоҳ каломининг шарҳи ёки, Қуръоннинг сузлари ва тушунчаларига шарҳ дейиш, кифоядир, деганлар.

Яна баъзи уламолар «Тафсир жузъий масалалар, ёки тулик коидалар, ё коидалар амалиётида усган хусусиятлар синфига кирувчи илмдир. Унга таъриф ҳам бор. Ушбу таърифда Қуръонни фаҳмлаш учун фойдаланиладиган лугат, сарф, нахв, кироат ва бошқа бир нечта илмлар зикр этилади», дейдилар,

Уламолар тафсир ва таъвилни фаркда турлича фикрлар билдирдилар. Баъзи уламолар уларнинг иккиси бир хил маънони билдиради, десалар, бошқалари уларнинг орасини фарклайдилар.

Пайғамбар (с.а.в.) Қуръони Каримни тула ва муфассал тушунганлар. Чунки, Аллоҳ таоло у кишига хифзни ва шархлашни ато этган. Табиийки, саҳобалар ҳам Қуръонни умумий тушунганлар, яъни зоҳири ва ҳукмларини тушунганлар. Лекин муфассал фаҳмлаш, нозик ботинини билишга факат араб тилини билишлари кифоя килмаган. Улар доимо тадқиқотда булишлари ва Расулуллоҳдан тушунмаганларини сурашлари лозим эди. Чунки Қуръонда мужмал, умумий, турлилик ва ухшашлар ва шу каби шархлаш учун билиш керак булган бошқа нарсалар мавжуддир.

1. Али ибн Абу Толиб.

Али бин Абу Толиб ибн Абдулмутталиб ал —Кураший ал. Али Қуръонни энг куп тафсир килган кишилардан. Усмон (р.а.) вафотига қадар илм билан машғул булган. Унинг Расулуллоҳ (с.а.в.)га якин булганлиги, у билан бирга яшаганлиги, унинг кизи Фотимага уйланганлиги, шу билан бирга Аллоҳнинг унга берган соғлом фитрати, буларнинг ҳаммаси ундан бой илми мерос колдирди. Абу Туфайлдан шундай ривоят килинади: «Мен Алини хутба килиб

турганини курдим, у шундай дер эди: Мендан суранглар, Аллохга касамки, нимадан сураманглар ушани айтиб бераман, Аллохнинг китобидан суранглар, Аллохга касамки, хар бир оятни биламан, кечаси нозил булганми, ёки кундузими, тогда нозил булганми, ё ерда нозил булганми, мен биламан».

2. Абдуллох ибн Масъуд:

Абдуллох ибн Масъуд ибн Рофил ибн Хабиб ибн Самах. Куныси Абу Абдурахмон. Абдуллох саҳобаларнинг ичида Аллохдгнинг китобини энг яхши ёдловчиси ва энг чиройли укувчиси эди.

Пайгамбар (с.а.в.): «Ким Куръонни нами кетмаган холда укишни истаса, Абдуллох ибн Масъуднинг кироати билан уқисин»-деганлар. Чунки Ибн Масъуд Куръонни фахмлашга каттик иштиёкманд олим эди,

Ибн Масъуднинг илм даражаси юкорилигининг яна бир сабабларидан бу унинг Пайгамбар (с.а.в.)га куп ишларида хизматини килгани, у кишининг хонадонида куп булганидир.

Ибн Масъуднинг Куфада ҳам шогирдлари куп булган. Чунки, Умар (р.а.) Аммор ибн Ёсирни Куфага волий килиб жунатганда, Ибн Масъудни у билан бирга муаллим ва вазир килиб юборган.

Уламолар Ибн Масъуд хулоса этиш йулининг асосини курганига ҳамда бу тафсир мактабига уз таъсирини курсатиб, шундан сунг ижтиҳод ва раъй билан тафсир қилиш ривожланганига иттифок қиладилар

3. Убай ибн Каъб.

Убай ибн Каъб ибн Убайд ибн Зайд ибн Муовия ибн Амр ибн Молик ибн Нажжор. Куныси Абу Мунзир. Саҳобаларнинг Куръон ёдлаганларининг энг машъсурларидан. Саҳобаларнинг ичида Аллохнинг китобини энг билувчиларидан бўлишининг сабаби унинг Расулуллохга тушган ваҳйни ёзувчиларидан булгани ва ях,удий руххонийларидан кадимги китобларнинг урганганидир.

4. Абдуллох: ибн Аббос.

Абдуллох ибн Аббос ибн Абдулмуттолиб ибн Хошим. Пайгамбар(с,а,в.) билан боболари битта бўлиб, у киши билан аммакиваччадир.

Ибн Аббос Расулуллох;(с,а,в.) билан куп бирга булган. Пайгамбар (с.а.в.) вафотларида Ибн Аббос 13—15 ёшларда эди. Ибн Аббос аввал Расулуловдан илм урганди. Пайгамбар унга таълим — тарбия бердилар. Кейин унга Умар ибн Хаттоб, Убай ибн Каъб, Али ибн Абу Толиб, Зайд ибн Собитлар устозлик қилдилар.

Ибн Аббос араб тили сирларини яхши билар, куп кадимий шеърларни ёд олган олим эди. Бошкаларни ҳам шеърларни урганишга чакириб: «Куръондан бирор жой тушунарсиз бўлиб колса, шеърга мурожаат этинглар, шеър араб тилидадир», дер эди.

Ибн Аббос Куръондаги бирор суз, оятларнинг тафсири хдкида суралганида, кадимий араб шеърларидан мисол келтириб тушунтириб берарди. Бу унинг илмининг кенглигига, зехнини уткирлигига, араб тили сирларишх жуда яхши билишига далолат қилади. Унинг мана шундай билимлари уни саҳобалар ичида тафсир илмининг имоми қилди. У Макка тафсир мактаби устози ва Куръонни лугавий тафсир қилишни биринчи бошлаган буюк олимдир.

Илк Тафсир мактаблари

Ислом дини пайдо булгандан сунг пайгамбар ҳаётлик даврларида ҳам ундан кейинги даврларда ҳам бошқа юртларга таркала бошлади. Араблар бир канча юртларни фатҳ эта бошладилар. Албатта улар билан бирга уламолар ҳам юртларга уз илмлари, Расулуллоҳдан урганганларини олиб борардилар. Саҳобалардан тобиинлар илм ургандилар. Сунг тобиинлар ҳам узларидан кейингиларга илм колдирдилар. Шундай қилиб, купгина фатҳ этилган юртларда устозлари саҳобалар шогирдлари тобиинлар булган илмий институтлар барпо булди. Ушбу мактабларнинг баъзилари шуҳрат қозонди. Булар Макка, Мадина ва Ирок мактаблари. Қуйида ушбу мактаблар ҳақида суз юритилади.

1) Макка мактаби:

Ибн Аббос асос солган Макка мактаби тафсир мактаблари ичида энг илгор мактаб ҳисобланади. Ибн Аббоснинг шогирдлари, Макка мактаби олимлари — Мужоҳид, Ато ибн Абу Раббоҳ, Икрима, Товус, Абу Шаъсо, Саъийд ибн Жубайр каби тобиинлар тафсир илми буйича шуҳрат қозондилар. Қуйида уларнинг ҳар бирлари ҳақида алоҳида тухталиб утилади:

Сайд ибн Жубайр. Сайд ибн Жубайр Асадий. Куняси Абу Мухаммад. У тафсир, ҳадис, фикҳ илмлари буйича замонаси етук олимларидан саналади. У тобиинларнинг буюк олимларидан, тафсир илми имомларидандир. Ибн Аббос ва Ибн Умардан илм урганган. У асосан Ибн Аббос мактабига тааллуқли олимдир.

Кироатларни яхши билгани унга Куръоннинг маънолари ва сирларини билишга ёрдам берди. Лекин у билими кенглигига қарамай уз раъйи билан тафсир қилишни истамаган.

95 х.й. да 49 ёшида улдирилган.

Мужоҳид ибн Жабр. 21 х.й.да тугилган. Тобиинларнинг олимларидан, уткир зехнлишги билан машхур булган. Мужоҳид Ибн Аббосдан энг кам ривоят қилган киши саналади. Шу билан бирга у энг ишончли ровийлардандир. Бухорий ва Шофеъий унинг Куръонга қилган шарҳларига таянганлар. Бухорий «Жомеъ ас — саҳих»нинг «Тафсир китоби»да унинг Куръонга қилган шарҳларидан келтиради. Уммат ундан жужжат олишга иттифок, қилган булиб, олти буюк муҳаддислар ундан ҳадислар ривоят қиладилар. Лекин Мужоҳиднинг баъзи Куръон оятларини эркин тафсир қилгани кейинчалик муътазиллийлар тафсирлари учун йул булиб қолди.

Икрима, Икрима ибн Абдуллоҳ Барбарий Маданий. Куняси Абу Абдуллоҳ. Асли Мағрибдан. Ибн Аббос, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Умар, Амр ибн Ос, Абу Хурайра ва Абу Сайд ал—Худрийлардан дарс олган. Ибн Аббос ушбу шогирдини яхши қураб, агар узи қийналган жойини у туғирласа, уни муқофотлаб турар эди.

Икрима илм даражаси жуда баланд булиб, пайгамбар сийратларини, босиб утган йулларини энг яхши биладиган олим ҳисобланади. Лекин уламолар ундан қилинган ривоятнинг ишончилигига турлича фикр билдирганлар. У 107 хғй. да Мадинада вафот этган.

Товус. Абу Абдурахмон Товус ибн Кисон. Яман ахли тобиинларининг аввалгиларидан, асли форс. 50 саҳоба билан суҳбатлашган, Ибн Аббосдан куп ривоят қилгани учун Ибн Аббос шогирди саналади. У ишончли ровий булиб, олти ҳадис

китобларида унинг ривоятлари келтирилади.

Лекин ундан Куръон шархланган ривоятлар кам етиб келган, етиб келганларининг ҳам куп ҳисми Ибн Аббосдан ривоят килинади. Ундан кам тафсир етиб келганлиги ва фикд ҳасида куп гапиргани сабабли, уни муфассир эмас фаҳих деган уламолар ҳам бор, 106 х.й, ҳажини адо этаётиб вафот этган,

Ато ибн Абу Раббох. 27 х.й.да тугилган. Маккадаги илм ва амалда ҳурмат эътиборли уламо, тобиинлардан. 200га яқин саҳобалар билан суҳбатлашган. Ибн Аббос агар Макка аҳли унинг олдига келиб бирор оят тафсири ҳақ,ида сураганларида: Эй аҳли Макка нега менинг олдимга келасизлар, сизларда Ато борку? — дер эди. Ато ибн Абу Раббох Ибн Аббосдан куп ривоят к.илмаган. 114 х.й. вафот этган.

2) Мадина мактаби:

Мадинада куплаб олим саҳобалар яшаганлар, чунки уларнинг куплари бошқа юртларга кучиб бормаганлар. Улар Мадинада куплаб шогирдлар етиштириб чиҳарганлар. Ушбу мактаб айнан Убай ибн Каъб кулида барпо этилди, дейилишига сабаб, унинг бошк.а саҳоба муфассирлардан кура машҳуррок булгани ва ундан жуда куп ривоятлар келтирилгани учундир.

Мадинада унинг шогирдлари ва шогирдларининг шогирдларидан куплари тафсир илми буйича шуҳрат қозондилар. Лекин уларнинг ичида Зайд ибн Аслам, Абул Олия ва Муҳаммад ибн Каъб ал — Куразийлар алоҳида мавҳеъга эгадирлар:

Абул — Олия Рафиъ ибн Микрон ар — Риёхий. Жоҳилия даврида ҳам яшаган Пайгамбар (с.а.в.) вафотларидан икки йилдан кейин исломни қабул қилган. Али, Ибн Масъуд, Ибн Умар, Убай ибн Каъб ва бошқалардан ривоят қилган. Олти ҳадис асарлари муаллифлари уни ишончли ровий деб тан олганлар. 90 х.й. вафот этган.

Муҳаммад ибн Каъб ал—Куразий, Муҳаммад ибн Каъб ибн Аслам ибн Асад ал—Маданий. Куняси Абу ҳамза. Али, Ибн Масъуд, Ибн Аббос ва бошқа саҳобалардан ривоят қилган. Олти буюқ муҳаддисларнинг ишончли ровийларидан, 108 х.й. вафот этган.

Зайд ибн Аслам. Абу Усома. Олти ҳадис китобларининг ишончли ровийларидан, факих, муфассир. 130 х.й. вафот этган.

3) Ирок мактаби:

Ирок тафсир мактаби Абдуллох ибн Масъуд ҳулида барпо булди. Ирокда бошқа куплаб саҳобалар ҳам булганларига қарамай, Абдуллохнинг шуҳрати ва ривоятининг куплиги уни у ерда биринчи устоз қилди.

Бунинг яна бир сабабларидан бири Умар (р.а.) Аммор ибн Ёсирни Куфага волий қилиб жунатганда, у билан бирга Абдуллох ибн Масъудни муаллим ва вазир қилиб юборганидир. Абдуллох у ерга боргандан сунг Куфа аҳли ундан илм урганганлар.

Ирок мактаби ижтиҳод билан тафсир қилиш ривожланган мактабдир. Ушбу мактабдан Алкама ибн Қайс, Масрук, Асвад ибн Язид, Мурра Ҳамадоний, Омир Шаъбий, Ҳасан Басрий ва Катода ибн Даома каби машҳур олимлар етишиб чикдилар:

Алкама ибн Қайс Абу Шибл ал—Куфий. Ибн Масъуднинг катта шогирдларидан. Олти ҳадис асарларининг ишончли ровийларидан. 61 х.й.да вафот этган.

Масрук. Абу Оиша, Умар (р.а.) ундан исмини сураганда, у исмим Масрук ибн Аждаъ — деган, шунда Умар(р.а.): Аждаъ бу

шайтон, сенинг исминг Масрук ибн Абдуррахмон булсин — деган. Турт хулафойи рошидинлардан, Ибн Масъуд, Убай ибн Каъб ва бошқалардан ривоят килган. У Ибн Масъуднинг энг билимдон шогирдларидан, баъзи уламолар «Ибн Масъуднинг шогирдлари ичида Масрукдан утадигани йук», «Масрукдан илмга чанкокрок кишини курмадик» — дейишган. Олти ҳадис асарларида унинг ривоятлари келтирилади. 63 х.й. вафот этган.

Омир Шаъбий. Абу Амр. Буюк тобиинлардан, Куфа козиси, факих. Куфа аҳли алломаси, бир нечта фанларни билган. Бир нечта саҳобалар билан замондош булган. Умар, Али, Ибн Масъуд, Абу ҳурайра, Оиша, Ибн Аббос, Абу Мусо ал—Ашъарий ва бошқалардан ривоят килган, У «500 саҳоба билан сузхбатлашдим» — деган. Олти ҳадис асарлари ишончли кишиларидан. Ушбу куп илми билан ҳам уз раъйи билан тафсир килишга журъат этмаган. 104 х.й.да вафот этган.

Ҳасан Басрий. Абу Сайд. Тобиинларнинг энг илмли, боамалларидан. Анас ибн Моликдан бирон савол сурашса у: Ҳасандан суранглар у ёдлаб колган биз эсимиздан чикариб юбордик — дер эди. Катода: «Ҳасандан ҳам факихрок кишини курмадим», деган.

Ҳасан уз тафсирида Аллох ва унинг сифатларини тафсирлашда салаф уламолари йулларига асосланади, аклга хуррият бериб юбормайди, Ҳасан уз аклини оят ва тафсирларни тушунишга ишлатади. 110 х.й. вафот этган.

Катода. Абул —Хаттоб. Басрада яшаган, тобиинларнинг уламоларидан. Анас ибн Молик ва бир канча тобиинлардан ривоят килган. У уткир зехнли булиб, араб шеърларини жуда яхши билган. У тафсир килишда араб тили буйича бор билимини ишлатган ва оятларни фаҳмлашда уз фикрини билдирган. 117 х.й.да вафот этган.

Юкоридаги мактаблар булар тобиинлар давридаги энг машхур мактаблардир. Улар уз сузларининг купини саҳобалардан олганлар. Ушбу мактаблардан бошқа мактаблар ҳам бор булардан: Миср мактаби. Шайхларидан: Язид ибн Хабиб ал —Аздий, Абул—Хайр Марсад ибн Абдуллох. Яман мактаби: Товус томонидан барпо этилган. Буюк устозларидан: Вахаб ибн Мунаббах.

Шундай қилиб, тобиинлар саҳобалардан олган омонатларини бор кучлари билан кутариб, кейинги авлодга етказишган.

Тобиинларнинг тафсирлари аввало Пайгамбар (с.а.в.) ҳадисларидан кейин эса саҳобалардан сузларидан олинган тафсирдир. Тобиинлар агар юкоридаги манбалардан шарх. тополмасалар у холда узларининг ижтиҳодларига таянганлар.

УЧИНЧИ ДАВР. КИТОБ ШАКЛИГА КЕЛТИРИШ ДАВРИДА ТАФСИР

Ушбу даврнинг бошланиши умавийлар даврининг охири аббосийлар даврининг бошига турри келади. Ушбу даврда китоб шаклига келтириш жуда кенг тую олган булиб, араблар уз динларига алокадор ҳамма нарсани китоб шаклига келтира бошлаганлар. Хар бир ислом юртида диний мадрасалар очилиб, ушбу укув марказларида укувчилар ҳамма эшитган нарсаларини ёза бошлаганлар.

Ушбу давр бошланишини боскичма — боскич куриб

чикилса, биринчи боскичда у ривоят килиш йули билан авлоддан авлодга утиб келади. Сахобалар Расулуллох (с.а.в.)дан ҳамда бир — бирларидан ривоят қиладилар, тобиинлар ҳам сахобалардан ва узаро бир — бирларидан ривоят қиладилар.

Тафсир ҳилишнинг иккинчи боскичи бу ҳадисни ёзиб бориш боскичи бошланишига тутри келади. Ҳадис турли бобларни уз ичига олар эди, Тафсир ҳам ҳадис камраб олган бобларнинг бири эди. Бу боскичда Қуръонни оятма-оят, сурама—сура бошидан охиригача тафсир қилиб ёзилмаган. Балки уламолардан баъзилари турли юртларга сафар қилиб, ҳадислар жамлаганларида, Пайгамбар (с.а.в.)га ёки сахобаларга, ёки тобиинларга мансуб булган бир ёки бир нечта оятларга қилинган шархларни ҳам бирга жамлаганлар. Язид ибн Хорун (в. 117 х.й.), Шуъба ибн Ҳажжож (в. 160 х.й.), Вакиъ ибн Жаррох (в. 197 х.й.), Суфён ибн Уяйна (в. 198 х.й.), Рух ибн Убода Басрий (в. 205 х.й.), Абдурраззоқ ибн Хамом (211 х.й.), Одам ибн Абу Йёс (в. 220 х.й.) Абд ибн Хамид (в. 249 х.й.) каби муҳаддис олимлар ҳадис жамлашлари билан бирга, тафсирларни ҳам жамлаганлар. Лекин ушбу олимларнинг оятларга шарҳлари бизгача етиб келмаган.

Шундай қилиб, ушбу боскичда тафсирни жамлаш мустакил ҳолда эмас, балки уламолар томонидан ҳадислар жамлаш давомида жамланган,

Сунг тафсир учинчи боскичга — ҳадисдан алоҳида ажралиб чиқиш босқичига утди. Ҳамда у алоҳида илм сифатида намоён булди. ҳуръоннинг ҳар бир оятини тафсир Қ.ИЛИШ, Қуръондаги тартиб бўйича тартиблаш бошланди. Бу ишлар Ибн Можа (в. 272 х.й.), Ибн Жарир ат — Табарий (в. 310 х.й.), Абу Бакр ибн Мунзир ан—Найсабурий (в. 318 х.й.), Ибн Абу Хотим (в. 328 х.й.), Абу Шайх ибн Хиббон (в. 329 х.й.) ва Ҳоким (в. 405 х.й.), Абу Бакр ибн Мардавайх (в. 410 х.й.) ва бошқа уламолар қулида амалга ошиди.

Уларнинг Қуръонга қилган шархлари силсилалар билан Расулуллох, сахобалар ва тобиинлардан ривоят қилинади. Уларнинг шархларида факат муътабар манбаларга асосланган. Улардан Ибн Жарир ат — Табарий куплаб Қуръон шархланган ривоятларни келтириб, бир ривоятни бошқасидан устун қилишни бошлаб берган.

Ушбу учинчи боскичда тафсир мустақил илм сифатида уз босқичини бошлаган.

Китоб шаклидаги биринчи тафсирни ким яратганига уламолар турлича фикр билдирадилар. Баъзилар Абу Аббос ибн Саълаб Фарро биринчи тафсир асарини ёзган дейдилар. Ибн ан — Надим узининг Фихристида шундай дейди: Абу Аббос ибн Саълаб Фарронинг «Маънолар китоби»ни ёзиши сабаби ҳақида шундай дейди: «Умар ибн Бакир Фарронинг яқинларидан булган, Фарро Хасан ибн Сахддан узилиб қолган булган. Умар ибн Бакир Фаррога мактуб ёзади: «Амир Хасан ибн Сахл Қуръондан бир нарса кетидан бошқасини суради, мен жавоб беролмаяпман. Агар менга асослар ёки Қуръон шарҳлаҳим учун бир китоб яратиб берсанг, мен унга жавобларини айтиб берган булар эдим». Сунг Фарро уз яқинларига мен сизларга Қуръон бўйича китоб ёзиб бераман, йиғилинлар деб, уларга бир кунни тайин қилади. Улар қелишгач уларнинг олдиларига чиқади. Масжидда бир муаззин булар эди. Фарро унга қараб бизга Фотиҳа

сурасини укиб бер, биз уни тафсир киламиз, мана шундай килиб Куръоннинг хаммасини шароил б чикамиз, дейди. Уша киши Куръонни укир, Фарро эса тафсир килар эди. Абу Аббос деди: Бу каби ишни ундан илгари ҳеч ким килмаган. Уйлайчанки, ҳеч ким ундан ортиқ қилолмаса керак». Лекин мана шу ривоятнинг узидан келиб чиқиб, биринчи тафсир асарини Фарро ёзган дейишимиз кийин.

Баъзилар Абдумалик ибн Журайж (Абдумалик Абдулазиз ибн Журайж Абу Холид (80—149). Макка уламоларидан, муҳаддис деб айтадилар. Яна бошқалар, биринчи китоб шаклидаги тафсирни Саъийд ибн Жубайр ёзган деб айтадилар. Агар китоб шаклидаги дастлабки тафсир асарлари ҳозирда мавжуд бўлганда, биринчи тафсирни ким яратганини аниқлаш мумкин булар эди.

Сунг тафсир узининг туртинчи босқичига утди. Бунда тафсир муътабар манбаларга асослаётган чегарасидан чиқиб кетмади. Бу босқичда уламолар ривоят қилувчилар силсилаларини қисқартирдилар, узларидан илгари утган олимларнинг сузларини айтган кишиларнинг исмларини зикр этмасдан келтирдилар. Шундан сунг тафсирга турли нарсалар кириб қолди, саҳих ривоятлар иллатли ривоятлар билан аралашиб кетди.

Тафсирнинг бешинчи босқичи энг узок босқич бўлиб, у аббосийлар давридан то ҳозирги қунимизгача бўлган даврни уз ичига олади. Пайгамбар вафотларидан кейинги — салаф уламоларидан нақл этилган ривоятлар қисқартирилиб, тафсирлар ёзилгандан сунг, ушбу босқичда нақлий тафсир аклий фаҳмлаш билан аралашиб кетди.

Аклий тафсирнинг ривожланиши бу аввало шахснинг Куръонни фаҳмлаши ва баъзи шарҳларни бошқасидан устун қилишидан бошланди. Ушбу аклий тафсир Куръоний сузлар далолатлари, араб лугати чегарасида бўлган вақтда макбул иш эди. Лекин кейинчалик шахснинг аклий фаҳмлаши ошиб бориб, турли билимлар, фикрлар, ақидалардан таъсирланди. Бора — бора тафсир асарларида тафсирга алоқаси жуда узок бўлган нарсалар пайдо бўла бошлади. Лугат, наҳв, сарф илмлари китоб ҳолига келтирилиши бошланди. Фикхий ихтилофли мазҳаблар пайдо бўла бошлади. Қалом масалалари қутарила бошланди. Аббосийлар даврида мазҳабларга мутаасиблик пайдо бўлди, Исломий фиркалар уз йулларига чақира бошладилар, Мана шу вақтда нақлий тафсирнинг урнини аклий тафсир эгаллай бошлади. Лекин оятларнинг нозил бўлиш сабабларига алоқадор ривоятлар ва шунга ухшашлар муътабар манбалардан олинган.

ТАФСИР ТУРЛАРИ

Тафсир турлари жуда қуп улардан энг асосий учтасига тухталиб утамиз. 1. Маъсур (муътабар манбаларга асосланган) тафсир асарлари.

2. Рухсат этилган раъй билан яратилган тафсир асарлари.
3. Рухсат этилмаган раъй билан қилинган тафсирлар, яъни фирка ва оқимлар тафсирлари.

1. МАЪСУР ТАФСИР:

Маъсур тафсир Куръондаги бир оятнинг бошқа бир оятни шарҳлашини ҳамда Набий (с.а.в.)дан, саҳобалардан, тобиинлардан ҳуръонни шарҳлаб, изоҳлаб қелган ривоят ва хабарларни уз ичига

олади.

Маъсур тафсир икки даврга эга булиб, биринчиси ривоят рлиш, етказиш даври, иккинчиси китоб шаклига келтириш, ёзиш давридир.

Биринчи даврда Пайгамбар (с.а.в.) сахобаларга тушунмаган жойларини тушунтириб берганлар. Кейин сахобалар ҳам бир — бирларига ва узларидан кейингиларга — тобиинларга ривоят йули билан Куръонга килинган шархларни етказганлар. Сунг сахобалардан узида йигалган ривоятлар ҳамда ижтиходи ва раъйига таяниб Куръонни шархлайдиганлар чикди. Кейин тобиинлардан ҳам узида жамланган Пайгамбар ва сахобалардан килинган ривоятлар ҳамда унга кушимча равишда узининг раъйи ва ижтиходи билан тафсир киладиганлар пайдо булди. Сунг тобиинлардан кейин келадиганлар ҳам узларида жамланган ривоятларга кўшимча равишда узларининг фикрларини билдирдилар. Шундай тарзда маъсур тафсир бойиб борди.

Сунг китоб шаклига келтириш даври бошланди. Албатта Куръонга биринчи ёзма шархлар маъсур тафсирлар турига киради. ҳадиснинг бир кисми сифатида биринчи Куръонга шархларни сахобалар, ровийлар, ҳадисшунослар килганлар, Чунки, бу давргача Куръонга килинган шархлар алоҳида ёзилмай балки, ҳадиснинг бир кисми сифатида ёзилган эди.

Сунг тафсир ҳадисдан алоҳида ажралиб чиhib, мустакил илмга айланди. Тафсир алоҳида ёзила бошланди. Бунда биринчи шарх Али ибн Талханинг Ибн Аббосдан ривоят килган саҳифасидир. Сунг Абу Равакнинг кисман Куръонга шарх ёзган асарлари пайдо булди.

Кейинчалик Куръонга тўлиқ, тартибли шархлар ёзиш бошланди. Бунга Ибн Жарир Табарийнинг тафсири мисол булади. Бу тафсирларда барча оят шархлар ва ривоятлари санадлари билан келтирилган эди.

Шундан сунг ривоятларнинг санадларини зикр этмай ёзилган тафсирлар пайдо була бошлади. Муаллифлар ривоятларнинг саҳих ва носаҳихларини ажратмай Куръонга қилинган шархларни келтирдилар. Мана шундай узгаришлардан сунг маъсур тафсир китоб шаклига келтирилиш даврида раъй билан тафсир килиш пайдо була бошлади.

Бу турдаги тафсир асарлари жуда куп шунинг учун энг асосий 8 та тафсир асарларига тухталиб утамыз. Булар:

I. ЖОМЕЪУЛ-БАЁН ФИ ТАФСИРИЛ-КУРЪОН(ТАБАРИЙ)

Муаллифи:

Абу Жаъфар Мухаммад ибн Жарир ибн Язид ибн Касир ибн Ролиб ат — Табарий, 224 х.й.да Табаристонда турилган. 12 ёшлигидан илм талабида куп юртларга сафар килган, сунг БаБдодда колган, 310 йил шу ерда вафот этган.

Ат — Табарий куп илмларни эгаллаган машхур олимдир. У Куръонни ёд билган, маъноларини яхши тушунган, Куръон ҳукмларини яхши фаҳмлаган, ҳадисларни ривоят килиниш йуллари — санадларини яхши билган. ҳадисларнинг ва саҳих булмаганларини ажрата олиш билан бирга, оятларнинг носих ва мансухларини, саҳоба ва тобиинларнинг айтган сузларини ва халол, харом масалаларини яхши билган. У шу каби машхур муаррих, факих, муҳаддис ҳамдир. Унинг «Халклар ва подшоҳлар

тарихи» асари барчага маълум.

Табарий тафсир илмининг отаси, деб тан олиниси билан бирга, у ислом тарихи илмининг ҳам отаси, деб тан олинган.

Тафсири ва ундаги муаллифнинг услуби:

Табарийнинг тафсири энг машхур тафсирлардан саналиши билан бирга, муфассирлар энг куп таянадиган тафсир асари хамдир.

Унинг тафсири муътабар манбаларга асосланган энг бой тафсир саналади ҳамда у замон ва фан жихатидан ҳам дастлабки яратилган тафсирлардандир. Шунинг учун ҳам ушбу уттиз жилдлик тафсир асари кадрили шарку Фарб олимлари юкори баҳолайдилар.

Ушбу тафсир укувчига жуда тушунарли ёзилган. Унда Табарий бирор оятни тафсир килмокчи булса, у: «Аллох Таоло сузининг таъвили бундай, бундай» —деб айтади. Тафсир килгандан кейин узининг сузига саҳоба ва тобиинларнинг сузларидан далиллар келтиради. Агар бирор оят ҳақида икки ёки ундан ортик турли маънолар айтилган булса, у оят ҳақда айтилган ҳамма сузларни келтириб утади.

Тафсирида фикҳий ҳукмларга оид фикрлар ҳам мавжуд. Унда Ибн Жарир уламоларнинг сузларини ва мазҳабларини урганади. Барча сузларидан бир тухтамга келади ва ушани далил билан исботлашга ҳаракат қилади.

2. БАХРУЛ-УЛУМ (АС-САМАРКАНДИЙ)

Ас — Самарқандийнинг тугилтан йили ҳақида муаррихлар 301—310 йилларни курсатадилар. Ул зотнинг куняси Абу Лайс, лақабларидан бири «ал Фақих» булиб, у бу лақаби билан жаҳонга танилган,

Абу Лайснинг вафоти ҳақида ҳам муаррихлар турли саналарни курсатадилар. Довудий ўзининг «Табакотул — Муфассирин» китобида 393 х, йилининг жумодул охир ойининг сешанба 11 кечасида вафот этган деган.

«Жавохир ал—музиъа» асарида 373 сешанба кечасида, «Кашфуз — Зунун» асарида 376, ёки 383, ёки 375 х. йилда вафот этган дейилади. Араб мероси тарихида 373, ёки 375, ёки 383 х. йилда вафот этган дейилган. Яъни аллома 985 ва 1003 милодий йиллар орасида вафот этган. Манбаларда унинг оиласи ҳақида ҳеч нарса ёзиб қолдирилмаган.

Тафсири

«Бахрул улум» («Илмлар денгизи»), Куръони карим тафсири (шарҳи). Ҳозирги вақтда бу тафсирнинг учта нусхаси сақланган, Икки нусхаси Миср араб Республикаси кутубхонасида, бир нусхаси Эдинбург кутубхонасида сақланмокда. 3 жилдлик ушбу асар Миср Араб Республикасининг «ал —Азхар» университети докторлари Мухаммад Муавваз, Ахмад Абдулмавжуд ва Абдулмажид ан — Нутийлар томонидан урганилиб, 1993 йил Байрутда нашр этилган.

Махмуд Ҳусайн аз —Заҳабий «Ат — Тафсир вал—Муфассирун» асарида Самарқандийнинг ушбу «Бахрул —Улум» тафсири ҳақида шундай деб ёзади: «Бу тафсирни куп маротаба укиб чиқдим, муаллиф бир бобида салаф уламоларидан ривоят қилган ҳолда кишиларни тафсир илмини урганишга чақиришини ва унинг фазилатини баён қилишини қурдим. Сунг араб тилини

яхши билмаган, оятнинг нозил булиш сабабларини яхши билмаган кишиларни факат уз раъйдан келиб чиккан холда, гарамматика ва оятнинг нозил булиш сабабларини билмай туриб тафсир килиш мумкин эмаслигини баён килган. У уз асарида тафсирга булган хурматни нафакат уз фикри билан, балки салаф уламоларининг сузларидан ҳам далил келтиради. «Агар бирор киши араб тилини ва оятнинг нозил булиш сабабларини яхши билмаса, тафсирни ургансин, ёд олишга ҳаракат килсин, бирор олимдан хикоя тарзида гапириб бериши мумкиндир». Муфассир салаф уламоларининг сузларидан, саҳоба ва тобиъинларнинг ривоятларидан ва улардан кейин утган тафсир уламоларининг сузларидан келтириб тафсир килади. Лекин у ким ривоят килганини зикр этмайди. Баъзи ривоятларда камдан — кам санад(ривоят килувчиларни)ларни айтиб утади. Шу нарса ҳақида мулоҳаза килиб билдимки, у турли ривоятларни зикр этганда, Ибн Жарир ат — Табарий каби уларнинг кетидан бошқа ривоятларни келтириб устидан кучли килмайди, факат камдан кам ҳолатлардагина килади. Маълум микдорда кироатларга ҳам эътироз билдиради, баъзан тилга ҳам мурожаат килиб туради. ҳуръондаги бир оят бошқа бир оятни тушунтириб берадиган булса, ҳуръонни Қуръон билан шархлайди. Исроил киссаларидан ҳам ривоятлари учраб туради. Купинча, баъзилари ундай дедилар баъзилари бундай дедилар деб зикр этади. Заиф ривоятлардан ҳам келтиради. Баъзи кийин жойларда, укувчига савол бериб, сунг унга жавоб беради. Қуръонга ихтилоф ва қарама-қаршиликлар бор деб уйлаётган кишига эътироз билдириб, кейин ундаги адашишликни йукотади. Китоб узида жуда нодир маълумотларни жамлаган. Бу китобда муфассир накл буйича тафсир ва акл буйича тафсирни бир жойда жамлаб накли жихатини аклий жихатидан устун куйди. Шунинг учун бу тафсирни манбаларга асосланган (маъсур) тафсир деб хисоблаймиз».

3. КАШФУЛ-БАЁН АН ТАФСИРИЛ-ҚУРЪОН

(АС-

САЪЛАБИЙ) Муаллифи:

Абу Исхок Ах.мад ибн Иброҳим ас —Саълабий ан — Нисопурий уз замонасининг машхур муфассирларидан, воиз, бир нечта асарлар яратган. Пайгамбарлар х.аётларига бағишланган «Ароис» ва бошқа асарлар муаллифи, Ас — Саълабий 427 х.й.да вафот этган.

Тафсири ва ундаги муаллифнинг услуби:

Муаллиф уз тафсирининг кириш қисмида уз услубини ёритган. Унда ёшлигида уламолар билан тортишувлари ва тафсирлардан ихтибослар келтиришга ҳаракат килганларини, аста — секин ҳакни ботилдан, бидъатни суннатдан, ҳужжатни шубҳадан ажратадиган булганини айтиб утган. Ушбу асарининг кириш қисмида шундай дейди: «Кенгкамровли, тарбияловчи, қиска изохли, тушунарли, тартибли, ривоятлари юзтача китобдан келтирилган китобни яратиш учун Аллоҳ Таолога истихора килдим. Шунингдек, китобда шархлар, тушунтириш учун турли китоблардан қисмлар келтирдим, уч юзга яқин шайхлардан олган ривоятларни зикр этдим, қиска ва тулик булиши учун иложи борица тартиблаштирдим».

Ушбу китобнинг кулёзма нусхаси «Ал—Азхар»

кутубхонасида сакланмокда. Китобнинг турт жилди мавжуд булиб, «Фуркон» сурасига тафсири мавжуд, ҳолгани йўқолган. Муфассир ушбу тафсирини салаф уламоларидан келган билим асосида килган. У тафсиридаги келтирган ривоятларининг санадларини кискартирган. Хамда ушбу санадларни китобнинг муҳаддимасида келтирган. Муфассирни нахв илми буйича хам олим булгани учун баъзан оятларни шархлаш давомида унинг нахв масалаларини курсатиб, кенг тушунтиришга киришиб кетади.

4. МАОЛИМУТ-ТАНЗИЛ (АЛ.-БАҒАВИЙ)

Муаллифи:

Абу Мухаммад ал—Хусайн ибн Масъуд ибн Мухаммад ал—Фарро ал — Багавий. Факих, шофеъий, муҳаддис, муфассир, суннатни тирилтирувчи лакабини олган. Кози Хусайнда тахсил олган. Ал—Багавий такводор, зохид, қаноатли булган. Дарсни факат таҳорат билан олган. Факат нонни ег билан еб кун кечирган. 510 х.й.да 80 ёшдан утиб вафот этган.

Багавий ҳадис, фик.х. илмларида имомлик даражасига чиққан олимдир. «Шархи сунна», «Мушкотул—масобих», «ат — Таҳзиб» каби асарлар яратган.

Тафсири ва ундаги муаллифнинг услуби:

«Кашфуз — зунун» асарида шундай дейилади: «Маолимут — танзил имом Мухаммад Хусайн ибн Масъуд ал—Фарро ал—Багавий аш — Шофеъийга тегишли булиб, уртача ҳажмдаги китоб булиб, унда олим саҳоба ва тобиинларнинг ривоятларидан келтиради».

Ушбу тафсир Ибн Касир тафсири билан бир нусхада хамда Хозин тафсири билан хам бир нусхада чоп этилган. Бу тафсир асарида оятнинг тафсирига бир оз қарама — қарши сузлар билан тафсир қилинишини куриш мумкин. Муаллиф уз тафсирида салаф уламоларининг ривоятларидан келтиради. Асарининг муҳаддимасида шундай дейди: «Тафсиримда Расулulloҳ (с.а.в.) ҳадисларини бирор оятга мувофиқ келса, унинг ҳукмини келтирдим. Чунки, Қуръоннинг изохи суннатдан изланади. Шариатнинг жихатлари ва диннинг ишлари ундандир. Ушбу ҳадислар хофизлар (муҳаддисларнинг мартабаси) ва ҳадис илми имомлари томонидан келтирилган. Мункар ҳадисларни ва тафсир қилаётган ҳолатга лойик булмаган ҳадисларни зикр этмадим».

5. АЛ-МУХАРРАР АЛ-ВАЖИЗ ФИЛ-КИТАБИЛ-АЗИЗ (ИБН АТИЙЯ)

Муаллифи:

Абу Мухаммад ибн Абдул —Ҳаққ ибн Ғолиб ибн Атийя ал—Андалусии ал—Магрибий, ал—Ғирнотий, Хофиз, Қози, сунний. Андалуснинг Маря шаҳрида козилик қилган. 481 х.й.да туғилиб, 546 х.й.да вафот этган.

У илм ва фазл хонадонида таваллуд топган, отаси Абу Бакр Ғолиб ибн Атийя олим булган. Ёшлигидан илм излагай олим куп

илмлар сохиби ҳамда факихлик даражасига етган, У шу билан бирга шоир ва нахв илми олимидир.

Тафсири ва ундаги муфассирнинг услуби:

Ибн Атийянинг тафсири тафсир асарлари ичида узига хос уринни эгаллайди. Муаллиф уз тафсирида бошқа тафсирлардан кискартириб келтирган. У хакикатга энг якин тафсирларни урганган, Ушбу тафсир 10 жилддан иборат булиб, Миср кутубхонасида бу асарнинг 3,5,8,10 жилдлари мавжуд.

Муаллиф тафсир килишда бир оятни келтириб, сунг уни осон, енгил шархини келтиради. Бир нечта манбалардан келтириб ундан битта ривоятни танлайди. Ибн Жарир Табарийдан куп ривоятлар келтиради. Шунингдек, Ибн Жарир ва бошқа олимлар ҳилган тафсирлар билан бахслашади. У шеърлардан куплаб далиллар келтирадиган олимдир. Қироатларга, нахв коидаларига катта ахамият билан караб, уларга уз фикрларини билдириб боради.

6. ТАФСИРУЛ-КУРЪОНИЛ-АЗИМ (ИБН КАСИР)

Муаллифи:

Имодуддин Абул—Фидо Исмоил ибн Амр ибн Касир ибн Завъ ибн Касир ибн Заръ ал—Басрий ад —Димашкий, факих, шофъий.

Отаси вафот этгандан сунг етти ёшида акаси билан Дамашкка келади. Куп уламолардан жумладан, Ибн Таймиядан куп илмларни олган. 700 х.йда турилиб, 774 х.й да вафот этган. Устози Ибн Таймия макбарасига дафн этилган.

Тафсир, хадис, тарих илмларини жуда яхши эгаллаган. Унинг «Ал—Бидоя ван —нихоя» асари машхур тарих асарларидан саналади.

Тафсири ва ундаги муаллифнинг услуби:

Ибн Касирнинг тафсири маъсур тафсирларнинг энг машхурларидан биридир. Муаллиф тафсирида салаф уламоларининг ривоятларига диккат эътиборни ҳаратиб, Аллохнинг каломини шархлашда хадис шарифлар ва саҳобаларининг ривоятларидан келтиради. Ушбу тафсир ал —Багавийнинг Маолимут —тафсир асари билан биргаликда нашр этилган, сунгра мустакил турт жилдда нашр этилган.

Ибн Касир уз тафсирини узун мукаддима билан бошлаб, унда Куръон ва тафсирга алокадор нарсаларни келтиради. Унинг мукаддимасидаги фикрларнинг купи устози Ибн Таймиядан олингандир.

Тафсирининг узига хосликларидан бири, у бир оятни тафсир килишда бошка бир оятни келтиради сунг енгил ва кискача маъносини айтади. Агар бу оятни бошка оят билан янада тушунтириб беришнинг иложи булса, уни зикр этиб, иккала оятни хам келтириб, уларни солиштириб, изохлайди. Ушбу китоб бошка тафсир асарларининг ичида бир хил маъноли, бир —бирига мутаносиб оятларни келтирадиган тафсир сифатида танилган. Бу ишни килиб булгандан сунг у ушбу оятга тааллукли

булган хадисларни келтиради. Унинг кетидан саҳоба, тобиъинлар ва салаф уламоларининг сузларини келтиради.

Ибн Касирни фикхий мунокашаларга ҳам киришиб кетишини куришимиз мумкин. У уламоларнинг сузлари ва далилларини ҳукм оятларини шарҳлаётганда зикр этади. Умуман, ушбу тафсир маъсур тафсирларнинг энг яхшиларидан биридир.

7. АЛ-ЖАВОҲИРУЛ-КИСОН ФИ ТАФСИРИЛ - КУРЪОН

(АС – САЪОЛИБИЙ)

Муаллифи:

Абу Зайд Абдуррахмон ибн Мухаммад ибн Махлуф ас — Саолибий, ал — Жазоирӣ, ал—Мағрибий, ал —Моликий, ал—Имом ал—Ҳужжа. Авлиё, обид, зохид, олим. Унинг солихлиги ва имомлигига уз даври кишилари иттифок қилганлар. Жазоир, Тунис, Мағриб юртларига сафар қилиб илм излаган. Қуплаб асарлар муаллифи. 876 х.й.да Жазоирда дафн этилган.

Тафсири ва муаллифнинг ундаги услуби:

Саолибий уз тафсирининг мукаддимасида шундай дейди: «Ушбу асарда узим ва сиз учун Аллох таоло бу дунёю у дунё менинг ва сизнинг қушимиз қувониши учун сураган нарсаларимни жамладим. Унда Ибн Атийя тафсири уз ичига олган нарсаларнинг муҳимлари, бошқа имомларнинг 100га яқин китобларидан, умматнинг энг буюк кишиларининг қуплаб фойдали шарҳларидан қурганларим ва ишончли ривоятлар билан тулдирдим. Бу шарҳлар имомларнинг динда ва тадқиқотчилар ичида машхурлариникидир».

Ушбу тафсир турт жилдда Жазоирда нашр этилган. Ундан бири Миср кутубхонасида, яна бири Азхар кутубхонасида сақланмоқда.

Муаллиф баъзи ҳолларда кироатларни, нахвий томонларини курсатиб бериб туради. Шунингдек у араб шеърларига ҳам мурожаат этади. Исроил қиссаларидан ҳам келтиради. Умуман китоб жуда фойдалидир.

8. АД-ДУРРУЛ-МАНСУР ФИТ-ТАФСИРИЛ-МАЪСУР (АС - СУЮТИЙ)

Муаллифи:

Жалолиддин Абул—Фазл Абдуррахмон ибн Абу Бакр ибн Мухаммад ас — Суютий аш —Шофеъий 849 х.й.да тугилган.

8 ёшлигида Қуръонни ёдлаган. Жами 51 та устоздан таълим олган. 200000 та ҳадисни ёдлаган. Қуплаб асарлар, шеърлар ёзган.

Тафсири ва ундаги муаллифнинг услуби:

Жалолиддин ас —Суютий уз тафсирини таърифлаб «Дуррул — мансур»нинг мукаддимасида шундай дейди: «Пайгамбар (с.а.в.)нинг тафсирларидан келтирган ҳолда, бир китобни жамладим. Унда 11000 ҳадис бор, Бу китоб турт жилддан иборат бўлиб, уни «Таржумонул—Қуръон» деб номладим. Яна шундай

дейди: Таржумонул—Қуръон асарини битганимда, у пайгамбар (с.а.в.) дан ривоят килинган тафсир булиб, бир нечта жилддан иборат булди, Мен ривоятлари келтирган асарларнинг бир нечта йуллари чиккан, Уша асарларда санадлар киска холда келтирилган. Шунинг учун уни кискартириб ушбу китобдаги холига келтирдим.

2. РАӢЙ БИЛАН ТАФСИР ҚИЛИШ:

РаӢй сузи эътикодга, ижтиходга, киёсга нисбатан ишлатилади, асхоби раӢй, асхоби киес шундан олинган.

Бу ерда раӢйдан мурод ижтиходдир. Яъни, ижтиход билан тафсир килиш деганда муфассирнинг араб тилини, араб сузларини, уларнинг далолат килувчи нарсаларини, жоҳилият даври шеърларини, оятнинг нозил булиш сабабларини, носих ва мансухларини ҳамда шу каби бошка муфассир учун зарур булган илмларни билгандан кейин ҳуръонни ижтиход билан тафсир килиши тушунилади.

Уламолар кадимдан Қуръонни раӢй билан тафсир килиш ҳақида ихтилоф килиб келганлар. Бир гуруҳ уламолар Қуръондан бирон оятни тафсир килишга журъат этмаганлар ҳамда бошкалар учун ҳам рухсат бермаганлар. Улар Қуръонни фақат фикх, нахв, тарих, муътабар асарларни яхши билган олим тафсир килиши мумкин. Шу билан бирга у Набий(с.а.в.)нинг ривоятлари билан ва оятнинг нозил булишига гувоҳ булмиш саҳобаларнинг сузлари билан ҳамда улардан илм олган тобиинларнинг ривоятлари билан шархлаши лозимдир, деганлар.

Бошка бир томон эса, ижтиход билан тафсир килишни зарарли деб ҳисобламаганлар: «Ким жуда кенг билим эгаси булса, у уз ижтиҳоди ва раӢйи билан тафсир килиши мумкин» деб қараганлар.

РаӢй билан тафсир килишни жоиз деб сановчи уламолар тафсир килишни хоҳлаган, фақат манбалар билан эмас балки уз раӢйи — ижтиҳоди билан шархламокчи булган кишининг аклан макбул тафсир килиши учун бир нечта илмлар эгаллаган булиши керак, деганлар ҳамда ушбу илмлар муфассирни хатодан сакловчи қуроли ва уни Аллоҳ таоло учун билмасдан гапириб юборишидан ҳимоя қилади, дедилар. Қуйида Суютий зикр этган оятларни тушунишга ва туғри йуналишга олиб боровчи илмлар тафсилотлари билан баён этилади:

Лугат илми. Чунки бу илм билан алоҳида сузлар ва мазмунлари вазиятга қараб шархланади. Мужоҳид: «Аллоҳга ва киёмат кунига имон келтирган киши араб тилини билмай туриб, Аллоҳнинг китоби ҳақида гапириши ҳалол эмас», деган. Шунингдек, тафсир қилмокчи булган киши ушбу илмни кенг ва атрофлича урганиши керак булади, чунки бу илмда муфассирнинг озгина билими кифоя қилмайди. Суз муштарак маъноларни билдириши ҳамда муфассир маънолардан фақат биттасини билиб, муродни билдирувчи бошка маънолари унга номаълум булиб қолиши мумкин.

Нахв илми. Чунки сузнинг маъноси жумладаги тутган урнига қараб фаркланиб туради. Унга эътибор бериши лозимдир.

Сарф илми. Унинг воситасида сийгалар, гузилишлар

билинади.

Иштикок илми. Агар отнинг иштикоки икки хар хил суздан булса, уларнинг фаркланишларида адашиб кетиши мумкин. Масалан; «масих» сузи «сиёхагун» сузидан чиқарилганми, ёки, «масхун» сузидан олинганми? Буни билмоғи даркор.

5,6,7. Учта балоғат илмлари: маънолар, шарх, стилистика илмлари.

8. Қироат илмлари. Чунки бунда оятнинг билдирмокчи маъноларидан эҳтимоли купрок булган маъносини бошқаларидан устун куйиш мумкин.

9. Дин асослари илми, Яъни калом илми. Бу илм билан муфассир Аллох хакида керак булган далиллар келтириши мумкин ҳамда нима мумкин, нима халол, пайгамбарликка оид оятларни куриб чиқиши, борлиkning кайтиши, юлдузларга сизгинувчиларнинг назарлари кандай ва хоказо, Агар ушбуларни билмаса, муфассир кийин ахволга тушиб қолади.

10. Фикх илми асослари. Чунки бу илм билан у ҳукм оятларидан ҳукм чиқариши ва улардан далил келтириши мумкин. Бу илм билан муфассир мужмал, умум, махсус, мутлак, чеклов, амрга ёки кайтаришга далолатлар каби ушбу илмга тааллуқли бошқа нарсаларни ҳам билиб, оятдан ҳукмни чиқаришда кандай далил келтиришни билиши керак.

11. Оятнинг нозил бўлиш сабаблари илми. Чунки бу илм оятдан муродни аниқлаб беради.

12. Қиссалар илми. Чунки қиссаларни муфассал билиш Куръондаги мужмал жойларни аниқлаб беради.

13. Носих ва мансүх илми. Бу илм билан бошқа оятнинг устидан ҳукм қилинган оят билинади. Кимки уни йукотган булса, мансүх оят билан фатво бериб, узи ҳам залолатда қолиб, бошқаларни ҳам залолатга етаклаши мумкин.

14. Мужмал ва мавхум жойларни билиш үчүн уларни шархлаб берадиган ҳадисларни билиш. Улар билан мушкул булган жойлар равшанлашади.

15. Инъом этилган илм. Бу илмни Аллох уз илмига амал қилган кишиларга инъом этади. Бу ҳақда Бақара сураси 282 ояти: «Аллохдан қурқинглар, у зот сизларга илм билдиради», ва Пайгамбар (с.а.в.)нинг: «Кимки узининг билганларига амал қилса, унга Аллох билмаган илмини билдиради», сузлари ишора беради.

Жоиз булган раъй билан тафсир қилишдаги муҳим тафсир асарлари:

1. Мафотихул — ғайб. Ал — Фахрур — Розий.
2. Анворут — Танзил ва асрорут — таъвил. Ал — Байзовий.
3. Мадорикут — танзил ва ҳақоикут — таъвил. Ан — Насафий.
4. Лубобут — таъвил фий маоний ат — танзил. Ал — Хозин.
5. Ал — Бахрул — Мухит. Абу Хаййон.
6. Рағоибул — Куръон ва ғароибул — фурқон. Ан — Нисобурий.
6. Тафсирул — Жалолайн. Ал — Жалол Маҳаллий, ал — Жалол ас — Суютий,
8. Ас-Сирожул-мунийр фил — ионати ала маърифати баъза маоний калом роббина ал — ҳаким ал — Хабийр.
9. Иршодул — аклис — салим ила мазая китабил карим.

10. Рухул —маоний фий тафсирил— Қуръонил —азим. Улусий.

Таянч сўзлар: тафсир, таъвил, шарҳ, муфассир, Қуръон, ҳадис, раъй, тафсир би-л-маъсур, тафсир би-р-раъй.

Саволлар

1.